

МАМЛАКАТИМИЗДАГИ ИСЛОҲОТЛАР “НАФАСИ” ҲАР БИР МАҲАЛЛАДА СЕЗИЛМОҚДА

*Президент Шавкат Мирзиёев 10 июль кун*и Тошкент шаҳридаги бунёдкорлик ишлари, аҳолининг турмуш шароити, sanoat корхоналари фаолияти билан танишди.

Бу сафарги йўналиш Шайхонтохур ва Чилонзор туманларини қамраб олди. Уларни Бунёдкор кўчаси боғлаб туради. Ушбу марказий кўчада санъат ва маданият масканлари, турли идоралар, кўп қаватли уйлар, супермаркет ва ресторанлар жойлашган. Бу салоҳиятдан фойдаланиб, унинг 1,5 километр қисми хизмат кўрсатиш ва гастротуризм кўчасига айлантирилди.

Давлатимиз раҳбари жамоатчилик вакиллари билан бирга бу ердаги шароитларни кўздан кечирди. Йўл бўйи обод қилинган. Ажойиб ландшафт дизайни, фавворалар, турфа чироклар худудга янада кўрк бағишлаган. Одамлар сайр қилиши, овқатланиши, мазмунли дам олиши учун барча қулайликлар яратилган.

Шу мақсадда бу ердаги 90 та тadbиркорлик субъекти тун-у кун ишлаш тартибига ўтказилди. Шундан 45 та корхона янги ташкил этилди. 500 киши иш билан таъминланди.

Кўчага ёндош худуддаги Камолон, Янги Камолон ва Камолон дарвоза маҳаллаларида 18 мингга яқин аҳоли яшайди. Бу ўзгаришлар, аввало, шу инсонлар турмушида сезилади. Қолаверса, ҳозир бу жойга йилга 255 минг меҳмон ташриф буюрмоқда. Энди уларнинг сонини йилга 1 миллионга етказиш учун шароит бор.

Сўнгги йилларда юртимизда туризм соҳасида 2 мингдан ортиқ янги тadbиркор иш бошлади. Ўтган йили хорижий сайёҳлар ташрифи илк бор 10 миллиондан ошди. Худудларда саёҳат ва сервис инфратузилмаси яхши ривожланаяпти. Туризм қишлоқлари, меҳмон уйлари, гастронмик кўчалар қўллаб-қувватланаяпти.

Пойтахтимизнинг Миробод, Олмасор, Чилонзор, Яккасарой, Янгиҳаёт туманларида шундай гавжум кўчалар ташкил этилган. Бунёдкор кўчаси мазкур туризм ҳалқасининг бир қисми бўлади. Умуман, Тошкент шаҳрида 26 та кўчани тун-у кун ишлайдиган гавжум кўчага айлантириш, 24 соат ишлайдиган савдо нуқталарини мингтага кўпайтириш режалаштирилган.

Шу ерда замонавий бекатлар ҳамда автотураргоҳлар тақдимоти бўлиб ўтди.

Давлатимиз раҳбари Шайхонтохур туманидаги Янги Камолон маҳалласида бўлди.

Мамлакатимиздаги ислохотлар “нафаси” ҳар бир худудга кириб бoряпти. Аҳоли бандлиги ва турмуш маданиятига қаратилаётган эътибор ушбу маҳаллада ҳам намоён. Кўп қаватли уйлар, дўконлар, фуқаролар йиғини биноси замонавий қўлфага эга. Ички йўллар текисланиб, атрофи кўкаламзорлаштирилган. Сўлим сайилгоҳ ва пиёдалар йўлаги, нурунйилар оромгоҳи, спорт ва болалар майдончалари барпо этилган.

Янги Камолон маҳалласида 4 минг 600 нафардан зиёд аҳоли яшайди. 60 дан ортиқ савдо ва хизмат кўрсатиш шохобчаларида маҳалла ёшлари иш билан банд. Бу йил ҳунармандлар маскани, дала маҳсулотлари ва қандолатчилик дўконлари, новвойхона ташкил этилди, хусусий тиббиёт пункти очилди. Натижада маҳалла ишсизликдан холи худудга айланди.

Шу ерда Шайхонтохур тумани “Ислохотлар штаби” фаолияти тўғрисида ахборот берилди.

– Шайхонтохурда хунармандчилик азалдан мавжуд бўлган. Бугун ҳам туманда одамларни иш билан, даромад билан таъминлашда бу катта манба. Шунинг учун Шайхонтохур

мисолида хизматлар соҳасини ривожлантириш бўйича янги чора-тадбирлар режасини қабул қиламиз, – деди Шавкат Мирзиёев.

Аҳоли хавфсизлигини таъминлаш, жиноятларнинг олдини олиш мақсадида маҳалла инспектори хонасида ситуацион марказ ташкил этилган. Унга кўп қаватли уйларнинг йўлақларидаги кузатув камералари ва ички ишлар тизимининг хавфсизлик дастурлари боғланган. Бу йил маҳаллада биронта ҳам жиноят содир бўлмаган.

“Янги Камолон” бошқарув сервис компанияси маҳалладаги 21 та кўп қаватли уйга хизмат кўрсатади. Усталар ва махсус техникалар доим шай ҳолатда. Ҳисоб-китобларда биллнинг тизими йўлга қўйилган. Бу йил марказий иссиқлик қувурлари изоляция қилинди, электр тармоқлари ва уйларнинг йўлақлари таъмирланди. Айрим уйларга янги лифтлар ўрнатилди.

Давлатимиз раҳбари келгусида бошқарув сервис компанияси биноларини кўп қаватли қилиб қуриб, ёшлар учун касб-хунар ўқувлари, майши хизмат шохобчаларини жойлаштириш бўйича кўрсатма берди. Бу ердагидек кичик кутубхоналарни бошқа маҳаллаларда ҳам ташкил этиш муҳимлиги таъкидланди.

Маҳалла айвонида аҳоли билан самимий суҳбат бўлди.

– Сўнгги йилларда кўп корхоналар очилди, иқтисодиёт ўсяпти. Шу билан бирга, ёшларимиз ҳам етишиб келяпти. Ўларнинг таълим-тарбияси, соғлиғи, иш ўринларини ҳозирдан ўйлашимиз керак. Шунинг учун бу йил Тошкент шаҳрига 8 миллиард доллар инвестиция олиб келямиз. Бунинг ҳисобидан Шайхонтохурда ҳам янги-янги иш жойлари, таълим масканлари, инфратузилма иншоотлари яратилади, – деди Президент.

Нуроний отахон ва онахонлар юртимиздаги ўзгаришлардан хурсандлигини таъкидлаб, халқимизга тинчлик-фаровонлик тилаб дуолар қилди. Шундан сўнг Президент Шавкат Мирзиёев тумандаги “Инсон” ижтимоий хизматлар марказига борди.

Мамлакатимизда ижтимоий давлат, ижтимоий адолат тамойиллари устувор. Ушбу қадриятлар асосида барча худудларда “Инсон” марказлари очилиб, меҳр ва кўмак тизими аҳолига яқинлаштирилмоқда.

Марказда 12 тоифадаги муҳтож инсонларга 100 дан ортиқ ижтимоий хизматлар кўрсатилади. Бунинг учун муассасада замонавий шароитлар яратилган. Мурожаатларни қабул қилиш, эҳтиёжни баҳолаш, хизматни белгилаш ва хизмат кўрсатиш жараёнлари инсонларга қулай тарзда йўлга қўйилган.

Энг муҳими, эндиликда вазифа бир марта ёрдам билан тугамайди. Ижтимоий хизматдан фойдаланувчининг кейинги ҳолати, ўзини ўнглаши ҳам мониторинг қилиб бoрилади. Мазкур барча жараёнлар рақамлаштирилган ва дахлдор ташкилотлар билан боғланган.

Шайхонтохурдаги марказда 25 нафар мутахассис ҳамда маҳаллаларда 51 нафар ижтимоий ходим фаолият кўрсатмоқда. Ногиронлиги бўлган болалар ва шахслар, ёлғиз кексалар билан манзилли тарзда иш юритилмоқда.

– Бу ер ҳар бир инсоннинг дарди билан яшайдиган, уларни рози қиладиган даргоҳ. Бу тизим орқали жамиятимизда ижтимоий адолат, инсон қадри қарор топади, – деди Президентимиз.

Шу ерда давлат-хусусий шериклик асосида “Имкониятлар олами” муассасаси ташкил этилган. Давлатимиз раҳбари ундаги шароитларни ҳам кўздан кечирди.

Муассасада 3 ёшгача гўдақлар

учун эрта аралашув, ногиронлиги бўлган болалар учун ижтимоий мослашув ва реабилитация, шунингдек, кундузги парвариш ва қараб туриш хизматлари ташкил этилган. Ҳозирда бу 80 га яқин инсоннинг оғирини енгил қилмоқда. Уларга 12 нафар малакали ходим меҳр-эътибор кўрсатмоқда.

Сўнг Президент Шавкат Мирзиёев Чилонзор туманидаги sanoat худудида амалга оширилаётган лойиҳалар билан танишди.

Мазкур худуд Бешкўрғон ва Тирсақобод маҳаллалари худудида жойлашган бўлиб, 320 гектар майдонни эгаллаган. Кичик sanoat зонаси мақомидаги ушбу мажмуа Президентнинг 2023 йил 3 июлдаги қарори асосида ташкил этилган. Унга мувофиқ, транспорт, муҳандислик-коммуникация ва йўл инфратузилмасининг яхшилангани sanoat ва тadbиркорлик ривожига замин яратди.

Бу ерда халқаро стандартларга мувофиқ энергия тежамкор, экологик хавфсиз ишлаб чиқариш қувватлари барпо этилди. Ҳозирги кунда бундай корхоналар сони 531 тага етди. Уларда яратилган иш ўринлари сони эса, 20 мингтага яқинлашди. Йиллик ишлаб чиқариш салоҳияти ҳам кам эмас – 6 триллион 800 миллион сўм. Жорий йилда худуддаги 50 та корхонада 180 миллион долларлик маҳсулот экспорт қилинади. Илгари Чилонзорда ҳеч қачон бундай кўрсаткичлар бўлмаган.

Давлатимиз раҳбари ушбу худуддаги “Tarleplast” корхонасида бўлиб, ишлаб чиқариш жараёнини кўздан кечирди.

Ушбу лойиҳанинг умумий қиймати 25 миллион доллар. Корхонага Европанинг етакчи компанияларидан 12 турдаги замонавий ускуналар келтириб ўрнатилган. Натижада бу ерда йилга 90 минг тонна темир қувар ва пўлат профиллар ишлаб чиқариш имкони яратилди. Бу маҳсулотларни пулга чаққанда 900 миллиард сўм дегани. Корхонада 120 га яқин киши доимий иш билан таъминланди.

Аҳамиятлиси, юқори босимга ва ташқи таъсирларга чидамли қуварлар тури, ҳажми ва нархи бўйича рақобатбардош. Бунинг тасдиғини ўтган йили 4 миллион долларлик маҳсулот Россия, Қозоғистон, Тожикистон ва Қирғизистон каби мамлакатларга экспорт қилинганида ҳам кўриш мумкин. Энди сотув географиясини янада кенгайтириш мўлжалланган.

Давлатимиз раҳбари мазкур индустриал худудда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар кўрғазмасини кўздан кечирди. Яқин истиқболдаги sanoat лойиҳалари тақдимот қилинди.

Жумладан, кўп қаватли ишлаб чиқариш биноси ва мономарказ ташкил этилиши кўзда тутилган. Бунинг натижасида худудда яна 100 та янги лойиҳа амалга оширилади, қўшимча 3 мингта иш ўрни яратилади. Лойиҳалар қурилиш, фармацевтика, электротехника, полиграфия, автомобилсозлик, тикув-трикотаж ва қандолатчилик каби йўналишларни қамраб олган.

Президентимиз тadbиркорлар билан суҳбатлашди. Қўшилган қийматли маҳсулотлар тайёрлаш, иш ўринларини қўпайтириш ҳамда хизматларни ривожлантириш бўйича кўрсатмалар берилди.

Президент Шавкат Мирзиёев тумандаги индустриал худудда жойлашган “Emap materials” корхонасида ҳам бўлди.

Бугун дунёдаги иқтисодий тебранишлар шароитида, аввало, ички имкониятлардан фойдаланиш, энг кўп иш ўрни яратадиган соҳаларни ҳимоялаш зарурати туғилмоқда.

Мамлакатимизда тўқимачилик, қурилиш материаллари, мебелсозлик ана шундай соҳалар сирасига киради. Уларда бир миллион нафарга яқин аҳоли ишламоқда.

Жумладан, мебелсозликка ихтисослашган 7 минг 500 та корхона фаолият юритмоқда. Ўтган йилнинг ўзида 920 та янги корхона очилган. Соҳада 6 триллион 700 миллиард сўмлик маҳсулот тайёрланиб, 20 миллион долларлик мебель экспорт қилинган.

Хоразм вилоятининг Хонқа тумани тажрибаси асосида бошқа жойларда ҳам мебелчилик марказлари ташкил этилмоқда. Соҳадаги тadbиркорларнинг чет элдан хомашё, фурнитура ва аксессуар олиб келиши, экспорт бозорларига чиқиши давлат томонидан қўллаб-қувватланмоқда.

Чилонзор туманидаги индустриал худудда мебелсозликка ихтисослашган ўнга яқин ширкат бор. “Emap materials” корхонаси ташаббускорнинг 10 миллион доллар маблағи эвазига ташкил топган. Бу ерда йилга 10 минг тонна фурнитура ва мебелсозлик буюмлари ишлаб чиқарилмоқда. Улар кооперация асосида юртимиздаги минглаб корхоналарга етказиб бериляпти. Энди экспортга чиқариш ҳам режалаштирилган.

Корхонада 200 киши иш билан таъминланган. Аҳамиятлиси, шу ернинг ўзида мебелсозлик ўқув маркази ҳам ташкил этилган. Бунинг учун Италия ва Туркия каби давлатлардан мутахассислар жалб қилинган.

Шунингдек, корхона томонидан буюртма асосида мебель ишлаб чиқариш, лойиҳалаштириш, кесиш, ускуналарни таъмирлаш каби қўшимча хизматлар ҳам кўрсатилади.

Мажмуада кўрғазма зали ҳам ташкил этилган бўлиб, бу ерда пойтахтдаги номдор – бренд маҳсулотлар биш бўйича ҳали фойдаланилмаган жуда кўп имконият борлиги кўрсатиб ўтилди.

Давлатимиз раҳбари корхонадаги иш жараёнини кўздан кечириб, мутахассислар билан суҳбатлашди. Мебелсозлик тармоғида маҳаллийлаштириш ва қўшилган қиймат яратиш бўйича ҳали фойдаланилмаган жуда кўп имконият борлиги кўрсатиб ўтилди.

Шу ерда Чилонзор туманида ташкил этилган “Ислохотлар штаби” фаолияти ҳақида ахборот берилди. Аҳоли бандлигини таъминлаш, камбағаллиқни қисқартиришга қаратилган янги тақлифлар ва қутилаётган натижалар кўриб чиқилди.

Қайд этилишича, туманда жорий йил бошида камбағаллик даражаси 7 фоиздан юқорироқ бўлган бўлса, биринчи ярим йиллик якунлари бўйича бу рақам 2,2 фоизга тушган. Манзилли режага кўра, туманни йил якунига қадар камбағаллик ва ишсизликдан холи худудга айлантириш мақсад қилинган. Бунинг учун оилалар имкониятини юзага чиқариш, микролойиҳаларни амалга ошириш, янги тadbиркорлик субъектларини ташкил қилиш, норасмий иш ўринларини қонунийлаштириш чоралари кўрилади.

Президент аҳоли бандлигига қаратилган ташаббусларни ҳамisha қўллаб-қувватлашини билдирди. Инвестицияларни жалб этиб, имкониятларни лойиҳага айлантириш, кичик корхоналар фаолиятини кенгайтириш зарурлигини таъкидлади. Иқтисодиёт ва инвестиция соҳалари масъулларига тadbиркорлар билан доимий учрашиб, муаммоларини ҳал этиш, тақлифларини юзага чиқариш бўйича топшириқлар берилди.

Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ,
Икром АВВАЛБОВЕВ,
ЎЗА мухбирлари

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг Қ А Р О Р И

2025 йил 23 июнь № 13 Тошкент шаҳри

Иқтисодий судлар томонидан “Тўловга қобилиятсизлик тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни нормаларини қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида

Суд амалиётида вужудга келаётган муаммоларни бартараф этиш, “Тўловга қобилиятсизлик тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни нормаларини тўғри ва бир хилда қўлланилишини таъминлаш мақсадида “Судлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 22-моддасига асосан Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми

Қ А Р О Р Қ И Л А Д И:

1. “Тўловга қобилиятсизлик тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни (бундан буён матнда Қонун деб юри-тилади)нинг мақсади юридик ва жисмоний шахсларнинг, шунингдек, якка тартибдаги тadbиркорларнинг тўловга қобилиятсизлиги соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат бўлиб, унинг амал қилиши давлат муассасаларига ва бошқа нотижорат ташкилотларига нисбатан татбиқ этилмайди, бундан матлубот кооперативи ёки ижтимоий фонд шаклидаги фаолиятни амалга ошираётган юридик шахслар мустасно (Қонуннинг 1-моддаси).

Бунда, давлат муассасаси деганда, давлат мулкни тасарруф этувчиси томонидан

(Давоми 2-бетда) ►

●Моҳият

Ижро механизмини такомиллаштириш тақомиллаштириш қонун устуворлигини янада қатъий таъминлашга хизмат қилад

Сўнгги йилларда мамлакатимизда суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тизимини такомиллаштириш бўйича кенг кўламли ишлар олиб бoрилмоқда. Хусусан, суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этишни рақамлаштириш, инсон омилини камайтириш, суд ҳужжатларини ижро этишдан ҳар қандай бўйин товланинг олдини олиш, фуқароларнинг мол-мулки ва пул маблағлари дахлсизлигини қафолатлашга қаратилган қатор қонун ҳужжатлари қабул қилинди ва амалиётга татбиқ этилмоқда.

Таҳлилларга кўра, 2022–2024 йиллар давомида суд қарорлари ижросига оид қўллаб ижро ҳужжатлари суд тартибида низолашаётганлиги ва давлат ижрочиси ҳаракатлари устидан шикоят берилганлиги сабабли ижро жараёни тўхта-тилган. Натижада қарздорга нисбатан қўлланилган чекловлар унинг фаолиятини давом эттиришга тўсқинлик қилувчи ҳолатларни келтириб чиқарган. Гап шундаки, қарздор ижро ҳужжати юзасидан суд тартибида низолашаётганда, ижро ҳаракатларини тўхтатиш тар-

тиби ва муддатлари амалдаги қонунчиликда белгиланган.

Бироқ ижро иши тўхтатилганда қарздорга нисбатан қўлланилган чекловлар ва тақиқлар, шу жумладан, қарздор тadbиркорлик субъекти бўлса, унинг ҳисобрақамига қўйилган инкассо топшириқ-номалар ва чекловларни олиб ташлаш назарда тутилмаган. Бу эса, қарздорлик мажбурияти-ни тўлаш имкониятига эга бўлган айрим қарздорлар ўз фаолиятини давом эттириши-ни чеклаб қўймоқда.

(Давоми 5-бетда) ►

●Тарих тилсимлари

Тақдир, тақдир, МУНЧА шафқатсизсан?

(«Кўз ёши томган ҳикоялар» турқумидан)



Сайд АҲМАД,
Ўзбекистон Қаҳрамони

◀ (Бошланиши ўтган сонларда)

Маҳбустлар сўзларида ту-ришди. Эртасига ҳам ишга чиқишмади. Маҳбустларга бош-қош бўлган Норқобил-ни кечаси солдатлар оп-чиқиб кетишган экан. Эрта-лаб зонага илжайиб кириб келди. Оператив вакил ун-дан маҳбустларни тинчитиш-ни, эртага ишга чиқишлари-ни тушунтиришни сўрапти.

Агар шу топшириқни бажар-маса, кўзголон кўтаришда айбанишини айтибди.

— Гапига кўндингми, ду-рак, — дея таъна қилди махорка тутунидан мўйлов-лари сарғайиб кетган, исми мутлақо унли ҳарфсиз ёзи-ладиган Мкртч деган арма-ни чол.

(Давоми 6-бетда) ►

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг
Қ А Р О Р И

Иқтисодий судлар томонидан “Тўловга қобилиятсизлик тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни нормаларини қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида

◄(Бошланиши 1-бетда)

2. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодекси (бундан буён матнда ИПК деб юритилади)нинг 210-моддаси ва Қонун 6-моддасининг учинчи қисмига мувофиқ, қарздорнинг тўловга қобилиятсизлиги тўғрисидаги ишлар ИПК-да назарда тутилган қоидалар бўйича, Қонунда белгиланган ўзига хос хусусиятлар инobat-га олинган ҳолда иқтисодий суд (бундан буён матнда суд деб юритилади) томонидан кўриб чиқилади.

3. Тўловга қобилиятсизлик тўғрисидаги иш қарздор — юридик шахс давлат рўяхати-дан ўтган жойдаги, шунингдек, қарздор — жисмоний шахс ва (ёки) якка тартибдаги тадбиркорнинг яшаш жойидаги суд томонидан кўриб чиқилади (ИПКнинг 36-моддаси, Қонун 6-моддасининг иккинчи қисми).

Бунда, қарздор жисмоний шахс ва якка тартибдаги тадбиркорнинг яшаш жойи деганда, унинг доимий ёки асосан яшаб турган жой тушунилади.

Судларнинг эътибори қаратилсинки, чет эллик шахснинг тўловга қобилиятсизлиги тўғрисида иш кўзғатиш ҳақидаги аризаси қарздорнинг давлат рўяхатидан ўтган ёки яшаш жойидаги тегишнча, Қорақалпоғистон Республикаси суди, вилоятлар ва Тошкент шаҳар судлари томонидан кўриб чиқилади.

Қайд этилган судга тегишлилик қоидалари бузилган ҳолда берилган ариза ИПК 155-моддаси биринчи қисмининг 3-бандига асосан қайтарилadi.

Агар суд томонидан тўловга қобилиятсизлик тўғрисидаги иш кўзғатилгандан кейин ушбу иш кўзғатилгунга қадар қарздор — юридик шахс давлат рўяхатидан ўтган жойи, қарздор — жисмоний шахс ва (ёки) якка тартибдаги тадбиркорнинг яшаш жойи ўзгарса, иш мазкур суд томонидан мазмунан кўрилади (ИПК 39-моддасининг биринчи қисми).

Агар суд томонидан тўловга қобилиятсизлик тўғрисидаги иш кўзғатилгандан кейин қарздор — юридик шахснинг давлат рўяхатидан ўтган жойи, қарздор — жисмоний шахс ва (ёки) якка тартибдаги тадбиркорнинг яшаш жойи ўзгарса, иш мазкур суд томонидан мазмунан кўрилади (ИПК 39-моддасининг биринчи қисми).

4. ИПК 211-моддасининг биринчи қисмига кўра, қарздор, кредиторлар ва бошқа манфаатдор шахслар тўловга қобилиятсизлик тўғрисида иш кўзғатиш ҳақидаги ариза билан судга мурожаат этишга ҳақли.

Бошқа манфаатдор шахслар деганда, солиқлар ва йиғимларни тўлаш мажбуриятларини бажармаган қарздорга нисбатан тўловга қобилиятсизлик тўғрисида иш кўзғатиш ҳақидаги ариза билан судга мурожаат этишга ҳақли бўлган давлат солиқ ва божхона хизмати органлари, Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетига ва давлат мақсадли жамғармаларига солиқлар ва йиғимларнинг ундирилиши устидан назорат олиб борувчи бошқа ваколатли органлар, шунингдек, устав фондида (устав капиталда) давлат улуши бўлган ва (ёки) пул мажбуриятлари бўйича Ўзбекистон Республикаси олдида қарзи бўлган юридик шахсларга нисбатан — тўловга қобилиятсизлик тўғрисидаги ишлар бўйича ваколатли давлат органи — Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги ва унинг ҳудудий бошқармалари (бундан буён матнда ваколатли давлат органи деб юритилади) тушунилиши керак (Қонун 7-моддасининг учинчи қисми).

Судларнинг эътибори қаратилсинки, ИПК 148-моддасининг биринчи қисмида назарда тутилган юридик шахслар ва фуқароларнинг ҳуқуқлари ҳамда қонун билан қўриқланадиган манфаатларини, жамият ва давлат манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида судга мурожаат қилиш ҳуқуқига эга бўлган прокурорнинг, давлат органлари ва бошқа шахсларнинг аризалари бўйича суд томонидан иш кўзғатиш ҳақидаги қоида тўловга қобилиятсизлик тўғрисидаги ишларга қўлланилмайди.

Шу муносабат билан ушбу шахслар қарздор, кредитор ёки давлат солиқ ва божхона хизмати органлари манфаатларида қарздорни тўловга қобилиятсизлиги ҳақида иш кўзғатиш тўғрисидаги ариза билан судга мурожаат этганда, ариза ИПК 155-моддаси биринчи қисмининг 2-бандига мос ҳолда қайтарилadi, ариза иш юритишга қабул қилинган бўлса — ИПК 107-моддасининг 3-бандига мос ҳолда кўрмасдан қолдирилади.

5. “Давлат божи тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунига мувофиқ давлат солиқ ва божхона хизмати органи ва ваколатли давлат органининг қарздорни тўловга қобилиятсизлиги ҳақида иш кўзғатиш тўғрисидаги аризалари суд томонидан давлат божи тўловисиз иш юритишга қабул қилинади.

Ушбу Қонун билан суд бошқарувчиси ҳам тўловга қобилиятсизлик тўғрисидаги иш доирасида ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларини амалга ошириш мақсадида даъво аризалари ва бошқа аризалар билан судга мурожаат қилганда, давлат божини тўлашдан озод қилинган.

Қонун 23-моддасининг биринчи қисмида ҳам шунга ўхшаш норма мавжуд.

Бироқ ушбу шахсларни почта харажатларини тўлашдан озод қилиш қонунчиликда назарда тутилмаган.

Шу муносабат билан почта харажатлари тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар тақдим этилмаган бўлса, ариза ва унга илова қилинган ҳужжатлар ИПК 155-моддаси биринчи қисмининг 6-бандига асосан қайтарилadi.

6. Қонун 5-моддасининг биринчи қисмида назарда тутилган аломатлар мавжуд бўлганда қарздор тўловга қобилиятсизлик тўғрисида иш кўзғатиш ҳақидаги ариза билан судга мурожаат этишга ҳақли, Қонуннинг 9-моддасида назарда тутилган асослар мавжуд бўлганда эса, қарздор (юридик шахснинг раҳбари, тугатиш комиссияси ёки тугатувчи, жисмоний шахс ёки якка тартибдаги тадбиркор) бундай ариза билан судга мурожаат этиши шарт.

7. Қонун қарздор ва кредитор тўловга қобилиятсизлик тўғрисида иш кўзғатиш ҳақидаги аризада қарздорнинг тўлов қобилиятини тиклашга ёхуд тугатишга доир иш юритиш тартиб-таомилларини қўллаш зарурлигини кўрсатиши мумкинлигини назарда тутadi (Қонун 7-моддасининг иккинчи қисми).

Шунга кўра, тўловга қобилиятсизлик тўғрисида иш кўзғатиш ҳақидаги аризада тўловга қобилиятсизликнинг бирор-бир тартиб-таомилларини қўллаш назарда тутилмаганлиги аризани иш юритишга қабул қилишни рад этиш ёки қайтариш учун асос бўлмаслигини судлар инobatга олиши лозим.

Аризада тўловга қобилиятсизлик тўғрисида иш кўзғатиш кўрсатилмаган бўлиб, қарздорни банкрот ёки тўловга қобилиятсиз деб топиш кўрсатилганлиги ҳам аризани иш юритишга қабул қилишни рад этиш ёки қайтариш учун асос бўлмайди.

8. Қарздор ёки кредиторнинг тўловга қобилиятсизлик

тўғрисида иш кўзғатиш ҳақидаги аризасига Қонуннинг 40, 43, 198-моддалари ва ИПК-нинг 151-моддасида назарда тутилган ҳужжатлар илова қилинади. Ушбу ҳужжатлар тақдим этилмаган тақдирда, ариза ва унга илова қилинган ҳужжатлар ИПКнинг 155-моддаси ва Қонуннинг 46-моддаси олтинчи қисмига асосан қайтарилadi, ариза билан мурожаат этиш қарздорнинг раҳбари учун мажбурий бўлган ва аризага Қонуннинг 40-моддасида назарда тутилган ҳужжатлар илова қилинмаган ҳоллар бундан мустасно. Бундай ҳолатда ариза суд томонидан иш юритишга қабул қилинади, етишмаётган ҳужжатлар эса, тўловга қобилиятсизлик тўғрисидаги ишни суд муҳокамасига тайёрлаш тартибиди талаб қилиб олинади.

Қарздор юридик шахснинг ўзига нисбатан тўловга қобилиятсизлик тўғрисида иш кўзғатиш ҳақидаги аризасига қарздор муассисларининг (иштирокчиларининг) ёки қарздор мол-мулки эгасининг қарздор ўзига нисбатан тўловга қобилиятсизлик тўғрисида иш кўзғатиш ҳақидаги ариза билан судга мурожаат қилиши ҳақидаги қарори ҳам илова қилинади (Қонун 40-моддаси иккинчи қисмининг олтинчи хатбошиси).

Судларнинг эътибори қаратилсинки, Қонун 9-моддаси биринчи қисмининг иккинчи ва тўртинчи хатбошилари, шунингдек, иккинчи қисмининг мазмунидан келиб чиқиб, қонуннинг ушбу нормаларида белгиланган асосларга кўра, судга ариза билан мурожаат қилиш учун қарздор юридик шахс муассисларининг (иштирокчиларининг) ёки мол-мулки эгасининг унга нисбатан тўловга қобилиятсизлик ҳақида иш кўзғатиш тўғрисида қарор қабул қилиши мажбурий ҳисобланмайди ва аризага бундай қарорни илова қилиш талаб этилмайди.

9. Қонун 12-моддасининг саккизинчи қисмига кўра, агар кредиторлар йиғилишида қарздорни банкрот деб топиш ва тугатишга доир иш юритиш-ни бошлаш тўғрисида қарор қабул қилинган бўлса, суд муваққат бошқарувчининг қарздорнинг фаолиятини тиклаш учун имконият мавжудлиги тўғрисидаги ҳулосасини инobatга олган ҳолда, қарздорга нисбатан унинг тўлов қобилиятини тиклаш тартиб-таомилларидан бирини жорий этишга ҳақли.

Бунда инobatга олиш лозимки, Қонун 92-моддасининг учинчи қисми ва 108-моддасининг биринчи қисмида назарда тутилган асослар мавжуд бўлгандагина суд қарздорга нисбатан унинг тўлов қобилиятини тиклаш тартиб-таомилларидан бирини жорий этиши мумкин.

10. Судлар назарда тутишлари лозимки, давлат солиқ ва божхона хизмати органи томонидан қарздорга нисбатан тўловга қобилиятсизлик тўғрисида иш кўзғатиш ҳақида аризада қарздорнинг тўлов қобилиятини тиклашга ёхуд тугатишга доир иш юритиш тартиб-таомилларини қўллаш зарурлигини кўрсатиши мумкинлигини назарда тутadi (Қонун 7-моддасининг иккинчи қисми).

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Тўловга қобилиятсизлик таомилларини янада соддалаштириш ва суд бошқарувчилари фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2019 йил 1 февралдаги ПҚ-4146-сонли қарори 1-бандининг иккинчи хатбошисида солиқ хизмати органлари солиқлар ва йиғимлар бўйича қарздорлиқни ундириш имко-

нияти бўлмаганлиги сабабли ижро ҳужжатлари қайтарилган кундан бошлаб 30 кундан кечиктирмасдан қарздорга нисбатан тўловга қобилиятсизлик тўғрисида иш кўзғатиш тўғрисидаги ариза билан судга мурожаат қилиши белгиланган.

Шу сабабли агар давлат солиқ хизмати органининг қарздорга нисбатан тўловга қобилиятсизлик тўғрисида иш кўзғатиш тўғрисидаги ариза-сига солиқлар ва йиғимлар бўйича қарздорлиқни ундириш имконияти бўлмаганлиги сабабли ижро ҳужжатларини қайтариш тўғрисидаги давлат ижросисининг қарори илова қилинмаган бўлса, ариза Қонун 46-моддасининг олтинчи қисми ва ИПК 155-моддаси биринчи қисмининг 7-бандига асосан қайтарилadi, ариза иш юритишга қабул қилинган бўлса, у ИПК 107-моддасининг 5-бандига асосан кўрмасдан қолдирилади.

Ушбу қоида давлат божхона хизмати органининг аризасига ҳам татбиқ этилади.

11. Қонун 12-моддасининг биринчи қисмига мувофиқ, тўловга қобилиятсизлик тартиб-таомиллари қўлланилаётганда барча кредиторларнинг манфаатларини кредиторлар йиғилиши ёки кредиторлар кўмитаси ҳимоя қилади ва суд қарздорга нисбатан тўловга қобилиятсизлик тўғрисида иш кўзғатиш ҳақидаги аризани иш юритишга қабул қилиб олган кундан эътиборан кредиторлар қарздорга ўз талабларини якка тартибда қаноатлантириш мақсадида мурожаат қилишга ҳақли эмас, бундан мулк ҳуқуқини эътироф этиш, маънавий зиёни компенсация қилиш, мол-мулкни бошқа шахснинг қонунсиз эгалитидан талаб қилиб олиш, асоссиз орттирилган бойлиқни қайтариш, битимларни ҳақиқий эмас деб топиш ва уларнинг ҳақиқий эмаслиги оқибатларини қўллаш, ҳуқуқий таъсир чоралари қўллаш тўғрисидаги талаблар, шунингдек, жорий тўловлар бўйича талаблар мустасно.

Агар тўловга қобилиятсизлик тўғрисидаги иш кўзғатилгандан кейин қарздордан тўловга қобилиятсизлик тўғрисида иш кўзғатиш ҳақидаги ариза берилгунга қадар вужудга келган қарзни ундириш ҳақида кредиторнинг даъво аризаси (суд буйруғи бериш ҳақидаги ариза) судга келиб тушса, ИПК 154-моддаси биринчи қисмининг 1-бандига асосан даъво аризаси (ариза) ни иш юритишга қабул қилиш рад этилади.

Агар кўрсатилган ҳолатлар даъво аризаси иш юритишга қабул қилингандан кейин аниқланса, ИПК 107-моддасининг 9-бандига асосан даъво аризаси кўрмасдан қолдирилади.

Ушбу қоида қарздорлиқни ундириш тўғрисида биринчи инстанция судида ишни кўриш жараёнида жавобгарга нисбатан тўловга қобилиятсизлик тўғрисида иш кўзғатиш ҳақида ариза берилш учун солиқлар ҳамда йиғимлар бўйича қарзни ундириш юзасидан қўрилган чора-тадбирлар асос бўлиши ва шу сабабли аризага қонунчиликка мувофиқ солиқлар ҳамда йиғимлар бўйича қарзни ундиришга доир чора-тадбирлар қўрилганлигига оид далиллар илова қилинганлиги керак (Қонун 37-моддасининг олтинчи қисми, 45-моддасининг иккинчи қисми).

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Тўловга қобилиятсизлик таомилларини янада соддалаштириш ва суд бошқарувчилари фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2019 йил 1 февралдаги ПҚ-4146-сонли қарори 1-бандининг иккинчи хатбошисида солиқ хизмати органлари солиқлар ва йиғимлар бўйича қарздорлиқни ундириш имко-

нияти бўлмаганлиги сабабли ижро ҳужжатлари қайтарилган кундан бошлаб 30 кундан кечиктирмасдан қарздорга нисбатан тўловга қобилиятсизлик тўғрисида иш кўзғатиш тўғрисидаги ариза билан судга мурожаат қилиши мумкин.

Кредиторлар кўмитасининг қарори устидан ҳам шу тартибда шикоят қилиниши мумкин.

Кредиторлар йиғилишининг ёки кредиторлар кўмитасининг қарорини ҳақиқий эмас, деб топиш тўғрисидаги ариза, шунингдек, Қонуннинг 60-моддасида назарда тутилган бошқа ариза (шикоят)дан аризачи воз кечган тақдирда, ариза бўйича иш юритиш ИПК 110-моддасининг 6-бандига мос ҳолда тугатилади.

Судлар инobatга олишлари керакки, кредиторлар йиғилишида ёки кредиторлар кўмитасида қарздор ходимларининг вакили, қарздор муассисларининг (иштирокчиларининг) ёки қарздор мол-мулк эгасининг вакили овоз бериш ҳуқуқисиз иштирок этишга ҳақли. Бироқ уларнинг иштирок этмаганлиги кредиторлар йиғилиши ёки кредиторлар кўмитаси қарорини ҳақиқий эмас деб топиш учун асос бўлмайди.

13. Судларнинг эътибори қаратилсинки, Қонуннинг 38-моддасида кўрсатилган тўловга қобилиятсизлик тўғрисидаги ишда иштирок этувчи шахсларнинг рўяхати тугал ҳисобланмайди.

Чунонки, Қонунга мувофиқ қуйидагилар ҳам тўловга қобилиятсизлик тўғрисидаги ишда иштирок этувчи шахслар ҳисобланади:

тўловга қобилиятсизлик тўғрисидаги иш доирасида судга берилган ариза асосида субсидиар жавобгарликка тортилаётган шахс (Қонун 72-моддасининг биринчи қисми);

қишлоқ ҳўжалиги корхонасининг тўловга қобилиятсизлиги тўғрисидаги ишда — маҳаллий давлат ҳокимияти органи (Қонун 177-моддасининг иккинчи қисми);

банкнинг тўловга қобилиятсизлиги тўғрисидаги ишда — Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ва Фуқароларнинг банклардаги омонатларини қафолатлаш фонди (Қонуннинг 181-моддаси);

суғурталовчининг тўловга қобилиятсизлиги тўғрисидаги ишда — суғурта фаолиятини тартибга солиш соҳасидаги махсус ваколатли давлат органи (Қонуннинг 182-моддаси);

қимматли қоғозлар бозори профессионал иштирокчисининг тўловга қобилиятсизлиги тўғрисидаги ишда - қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органи (Қонуннинг 186-моддаси);

улуш қиритиш асосидаги қурилиш бўйича қурувчининг тўловга қобилиятсизлиги тўғрисидаги ишда — қурилиш фаолиятини тартибга солиш соҳасидаги ваколатли давлат органи (Қонун 190-моддасининг иккинчи қисми).

13.1. Қонун 38-моддасининг иккинчи қисмига мувофиқ, қарздор юридик шахс ходим-муассислари (иштирокчилари) вакили ёки қарздорнинг мол-мулки эгаси, қарздор якка тартибдаги тадбиркорнинг вакили, кредиторлар йиғилиши (кредиторлар кўмитаси) вакили ҳамда бошқа шахслар ҳам тўловга қобилиятсизлик тўғрисидаги ишда иштирок этиши мумкин, яъни, тўловга қобилиятсизлик тўғрисидаги ишда иштирок этувчи шахслар бўлиши мумкин.

Судларнинг эътибори қаратилсинки, қарздор юридик шахс ходимларининг вакили тўловга қобилиятсизлик тўғрисидаги ишда иштирок этиши учун у вакил сифатида сайланганлиги тўғрисида қарздор ходимларининг йиғилиш баён-номаси, қарздорнинг муассислари (иштирокчилари) вакили учун эса — муассислар (иштирокчилар)нинг йиғилиш баён-номаси асос бўлади.

14. Судья тўловга қобилиятсизлик тўғрисидаги ишни суд

мажлисида кўришга тайёрлаш билан бир вақтда қузатув таомилини жорий этиш масаласини ҳал қилиши лозим (Қонуннинг 49 ва 78-моддалари). Қузатув таомили жорий этилганлиги аризани иш юритишга қабул қилиш ва тўловга қобилиятсизлик тўғрисида иш кўзғатиш ҳақидаги суднинг ажримиди кўрсатилади.

Мол-мулки мавжуд бўлган қарздор юридик шахсга нисбатан тўловга қобилиятсизлик тўғрисида иш кўзғатиш ҳақидаги ариза билан судга мурожаат қилинганда, унда муваққат бошқарувчининг номзоди кўрсатилади. Аризада муваққат бошқарувчининг номзоди кўрсатилмаган бўлса, суд аризадан ёки ваколатли давлат органидан ёхуд суд бошқарувчиларининг жамоат бирлашмасидан тегишли номзодни тақдим этишни сўрайди.

Қузатув таомили қарздор — юридик шахсга нисбатан унинг мол-мулки бут сақланишини таъминлаш, қарздорнинг молиявий аҳволи таҳлилини ўтказиш, кредиторлар талаблари реестрини тузиш ва биринчи кредиторлар йиғилишини ўтказиш мақсадида қарздорнинг тўловга қобилиятсизлиги тўғрисида иш кўзғатиш ҳақидаги ариза қабул қилинган пайтдан эътиборан кейинги тартиб-таомилга қадар қўлланилади. Ушбу вазифаларнинг бажарилиши муваққат бошқарувчи зиммасига юкланади.

Ушбу қоидалар жисмоний шахс ва якка тартибдаги тадбиркор, шунингдек, соддалаштирилган тартиб-таомил бўйича қарздорнинг тўловга қобилиятсизлиги тўғрисида иш кўзғатиш ҳақидаги ишларга татбиқ этилмайди.

15. Тўловга қобилиятсизлик тўғрисидаги ишни суд муҳока-масига тайёрлаш судья томонидан Қонуннинг 49-моддасида белгиланган хусусиятлар инobatга олинган ҳолда ИПКнинг 19-бобида назарда тутилган тартибда амалга оширилади.

Қарздорнинг тўловга қобилиятсизлиги тўғрисида иш кўзғатиш ҳақидаги аризани иш юритишга қабул қилиш масаласини ҳал этишда, судья бундай ариза билан судга мурожаат қилиш учун Қонун 37-моддасининг биринчи қисмида назарда тутилган асослар мавжудлигини текшириши лозим.

Бундай асослар мавжуд бўлмаган тақдирда, судья Қонун 46-моддасининг бешинчи қисмига асосан тўловга қобилиятсизлик тўғрисида иш кўзғатиш ҳақидаги аризани иш юритишга қабул қилишни рад этади.

Агар мазкур ҳолат тўловга қобилиятсизлик тўғрисидаги иш кўзғатилганидан кейин аниқланса, суд қарздорни банкрот деб топишни рад этиш тўғрисида ҳал қилув қарори қабул қилади (Қонун 55-моддаси биринчи қисмининг иккинчи хатбошиси).

Агар Қонуннинг 195-моддасида назарда тутилган тўловга қобилиятсизлик аломатлари мавжуд бўлмаса, жисмоний шахсни тўловга қобилиятсиз деб топиш тўғрисидаги ариза ҳам Қонун 46-моддасининг бешинчи қисмига асосан иш юритишга қабул қилиш рад этилади.

16. Тўловга қобилиятсизлик тўғрисидаги иш суд мажлисида тўловга қобилиятсизлик тўғрисида иш кўзғатиш ҳақидаги ариза иш юритишга қабул қилинганлиги тўғрисида ажрим чиқарилган кундан эътиборан икки ойдан ортқ бўлмаган муддатда кўриб чиқилиши лозим.

Алоҳида ҳолларда тўловга қобилиятсизлик тўғрисидаги ишни кўриш суд раиси томонидан Қонуннинг 50-моддасига асосан бир ойдан ошмаган муддатга узайтирилиши мумкин.

Судлар инobatга олишлари лозимки, Қонуннинг 50-моддасида назарда тутилган тўловга қобилиятсизлик тўғрисидаги ишни кўриш муддатлари ҳозир бўлмаган қарздорни банкрот деб топиш ҳақидаги аризани кўриб чиқишда қўлланилмайди.

17. Қонун 22-моддасининг биринчи ва иккинчи қисмларига мувофиқ, олий маълумотга ҳамда камида икки йиллик иш стажига эга бўлган ва ваколатли давлат органида аттестациядан ўтган шахслар, шунингдек, ушбу талабларга жавоб берадиган ҳамда фуқаролик ва иқтисодий суд ишларини юритишга ихтисослашувчи бўйича лицензияга эга бўлган адвокатлар суд бошқарувчилари этиб тайинланиши мумкин.

Ваколатли давлат органи суд бошқарувчиларнинг агона реестрини юритади ва ундаги маълумотларни Ўзбекистон Республикаси Олий судига идоралараро маълумот алмашишуви асосида электрон тарзда тақдим этади.

Суд бошқарувчисини тайинлаш масаласини ҳал этишда суд аттестат тўғрисидаги маълумотларни ағона реестрдан олиши ва иш ҳужжатларига қўшиб қўйиши лозим.

18. Қарздорга ёки кредиторларга нисбатан манфаатдор шахслар, судланганлик ҳолати тугалланмаган ёки судланганлиги олиб ташланмаган шахслар, суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилган шахслар, ўзига нисбатан тўловга қобилиятсизлик тартиб-таомили жорий этилган якка тартибдаги тадбиркорлар ёки жисмоний шахслар, илгари суд бошқарувчиси вазифасини бажараётганда қарздорга, кредиторларга зарар етказган ва бу зарарнинг ўрнини қопламagan шахслар, ваколатли давлат органи қарори билан суд бошқарувчиси аттестатининг амал қилиш муддати тугатилган (бекор қилинган) ва (ёки) вақтинча тўхтатиб турилган (вақтинча тўхтатиб турилган муддатга) шахслар, ўзига нисбатан бошқа шахсларнинг ишларини ва (ёки) мол-мулкни бошқариш бўйича фаолиятни амалга оширишга чеклов белгиланган шахслар (бундай фаолият билан шугулланиш ҳуқуқидан маҳрум этилган шахслар) суд бошқарувчиси этиб тайинланиши мумкин эмас.

Кўрсатилган асосларга кўра, суд бошқарувчиси лавозимига тавсия этилган номзодни суд бу вазифага тайинлашни рад этиши ёки суд бошқарувчисини ўз вазифасини бажаришдан озод этиши лозим.

Судларнинг эътибори қаратилсинки, қарздор ва кредиторларга нисбатан манфаатдор шахслар деганда, Қонуннинг 21-моддасида кўрсатилган шахслар тушунилади.

19. Қонун ҳужжатларини мунтазам равишда ёки бир марта қўпол равишда бузганлик, шунингдек, Қонунда назарда тутилган бошқа ҳоллар суд бошқарувчисининг вазифасини бажаришдан озод қилиш учун асос бўлади.

Қонун суд бошқарувчисини вазифасидан озод қилиш масаласини суд мажли

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг Қ А Р О Р И

Иқтисодий судлар томонидан “Тўловга қобилиятсизлик тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни нормаларини қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида

◄(Бошланиши 2-бетда)

Суднинг аيني бир пайт-да янги суд бошқарувчисини тайинлаган ҳолда суд бош-қарувчисини ўз вазифасидан озод қилиш тўғрисидаги ажри-ми дарҳол ижро этилиши ло-зим ва унинг устидан шикоят берилиши (протест келтири-лиши) мумкин. Мазкур ажрим устидан шикоят берилиши (протест келтирилиши) унинг ижросини тўхтатиб қўймайди.

20. Суд бошқарувчисининг ноқонуний ҳаракати (ҳаракат-сизлиги) натижасида қарздор-га, кредиторларга ва учинчи шахсларга зарар етказилган тақдирда, мазкур зарар суд бошқарувчисидан суд тарти-бда ундирилиши мумкин.

21. Тўловга қобилиятсизлик тўғрисидаги ишда иштирок этувчи шахслар бундай иш доирасида қўлланиладиган ҳар қандай тартиб-таомил жа-раёнида судга сохта тўловга қобилиятсизлик, тўловга қо-билиятсизликни яшириш ёки қасддан тўловга қобилиятсиз-ликка олиб келиш аломатла-рини аниқлаш мақсадида экс-пертиза тайинлаш ҳақидаги илтимоснома билан мурожаат қилиши мумкин (Қонун 38-мод-дасининг учинчи қисми).

Экспертиза ўтказиш на-тижасида сохта тўловга қо-билиятсизлик, тўловга қоби-лиятсизлик яширилиши ёки қасддан тўловга қобилиятсиз-ликка олиб келиш аломатла-ри аниқланганда, судлар ИПК 200-моддасининг бешинчи қисмига асосан жиноят ишини қўзғатиш тўғрисидаги маса-лани ҳал этиш учун бу ҳақда прокурорга тегишли матери-алларни илова қилган ҳолда хабар қилиши лозим.

Тўловга қобилиятсизлик тўғрисидаги қонун ҳужжатла-ри талабларига мувофиқ, суд бошқарувчиси сохта тўловга қобилиятсизлик, тўловга қо-билиятсизликни яшириш ёки қасддан тўловга қобилиятсиз-ликка олиб келиш аломатла-рини аниқлашга доир ҳара-катларни амалга ошириши ва чоралар қўриши ҳамда бундай аломатлар аниқланганлиги ҳақида кредиторлар йиғили-шига, судга, ваколатли давлат органига, шунингдек, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга хабар бериши шарт.

Ўзбекистон Республика-си Вазирлар Маҳкамаси-нинг 2013 йил 14 августда-ги 224-сонли қарори билан тасдиқланган "Сохта тўловга қобилиятсизлик, тўловга қо-билиятсизликни яшириш ва қасддан тўловга қобилиятсиз-ликка олиб келиш аломатла-рини аниқлаш Қоидалари"ннг (бундан буён матнда Қоида-лар деб юритилади) 9-бандига биноан, қарздорнинг аризаси-га кўра, тўловга қобилиятсиз-лик тўғрисида иқтисодий суд томонидан иш қўзғатишнинг барча ҳолатларида сохта тўловга қобилиятсизлик ало-матларини аниқлаш суд бо-шқарувчиси томонидан амал-га оширилади ҳамда қузатув тартиботи жараёнида рўёбга чиқарилади.

Шу муносабат билан суд қарздорнинг аризасига асо-сан унга нисбатан тўловга қобилиятсизлик тўғрисида иш қўзғатиш ва қузатув тартиб-та-омилини жорий этиш тўғриси-даги ажрим билан муваққат бошқарувчиси зиммасига со-хта тўловга қобилиятсизлик аломатлари мавжуд ёки мав-жуд эмаслиги тўғрисидаги ху-лосани судга тақдим этиш ва-зифасини юклаши лозим.

Қоидаларнинг 21-бандига мувофиқ, тўловга қобилият-сизликни яшириш аломатлари тўловга қобилиятсизлик тўғри-сида иш қўзғатишдан олдинги давр мобайнида, шунингдек, тўловга қобилиятсизлик тар-тиб-таомиллари жараёнида суд бошқарувчиси томонидан аниқланadi.

Судларнинг эътибори қа-ратилсинки, Қоидаларнинг 25-бандига кўра, қасддан тў-ловга қобилиятсизликка олиб

келиш аломатларини аниқлаш иқтисодий суд томонидан қарздорни банкрот деб эъти-роф этилган ҳамда тугатишга доир иш юритиш бошланган-дан кейин, қарздор учун маж-бурий кўрсатмалар бериш ҳуқуқига эга бўлган ёхуд унинг хатти-ҳаракатларини бошқача тарзда аломатлаш имконияти-га эга бўлган шахсларнинг фай-риқонуний хатти-ҳаракатлари асосида тўловга қобилиятсиз-ликни келтириб чиқарилишини тахмин қилиш асослари мав-жуд бўлганда тугатиш бошқа-рувчиси томонидан амалга оширилади.

22. Суд бошқарувчисига ҳақ тўлаш миқдори ва тарти-би кредиторлар йиғилиши то-монидан белгиланади ҳамда суднинг ажрими ёки ҳал қилув қарори билан тасдиқланади, Қонун 26-моддасининг иккин-чи, тўртинчи ва бешинчи қисм-ларида назарда тутилган ҳол-лар бундан мустасно.

Суд бошқарувчиси ҳақининг миқдорини белгилашда қарз-дор мол-мулкнинг қиймати ва унинг амалга оширадиган ишлари ҳажми ҳисобга олини-ши лозим.

Кредиторлар йиғилишининг қарори билан суд бошқарув-чисига унинг фаолияти на-тижаларига қараб Қонунда белгиланган ҳолларда ва миқ-дорда қўшимча ҳақ белгилა-ниши мумкин.

Агар кредиторлар билан ту-зилган битимда бошқача қои-да назарда тутилган бўлмаса, суд бошқарувчисининг ҳақи ва қўшимча ҳақ қарздорнинг мол-мулки ҳисобидан қоп-ланади.

Судлар инобатга олиши ло-зимки, Қонун 59-моддасининг учинчи қисмига мувофиқ, суд қарздорнинг тўловга қобилият-сизлиги аломатлари аниқлан-маганлиги муносабати билан уни банкрот деб топишни рад этиш ҳақида қарор қабул қил-ган тақдирда, суд харажатлари, шу жумладан, тўлов муддати кечиктирилган ёки бўлиб-бў-либ тўланадиган давлат божи бўйича харажатлар, Қонуннинг 53 ва 54-моддаларида назар-да тутилган маълумотларни оммавий ахборот воситала-рида эълон қилиш харажат-лари, суд бошқарувчиларига ҳақ тўлаш харажатлари судга қарздорга нисбатан тўловга қобилиятсизлик тўғрисида иш қўзғатиш ҳақида ариза билан мурожаат этган кредиторларга тегишли бўлади ва кредито-рлар ўртасида уларнинг талаб-ларига мутаносиб равишда тақсимланади.

Ушбу қоида қарздорнинг мол-мулки мавжуд бўлмаган ёки ушбу харажатларни қоп-лашга етарли бўлмаган ҳолда ҳам қўлланилади.

23. Судларга тушунтирил-синки, Қонуннинг 53 ва 54-моддаларида назарда ту-тилган оммавий ахборот воси-таларида эълон қилиниши лозим бўлган маълумотлар Ўзбекистон Республикаси Ва-зирлар Маҳкамасининг 2009 йил 11 июндаги 160-сонли қа-рорининг 1-бандига мувофиқ "Biznes-Daily "Биржа" иқтисо-дий газетаси ва (ёки) ваколат-ли давлат органининг расмий веб-сайтида эълон қилинади.

24. Кредиторларнинг би-ринчи йиғилишида иштирок этади ажрим билан муваққат бошқарувчиси зиммасига со-хта тўловга қобилиятсизлик аломатлари мавжуд ёки мав-жуд эмаслиги тўғрисидаги ху-лосани судга тақдим этиш ва-зифасини юклаши лозим.

Қоидаларнинг 21-бандига мувофиқ, тўловга қобилият-сизликни яшириш аломатлари тўловга қобилиятсизлик тўғри-сида иш қўзғатиш ҳақидаги ариза суд томонидан қабул қилинунга ва тўловга қоби-

лиятсизликнинг тегишли тар-тиб-таомилини жорий этишга қадар ижро муддати келган қарздорнинг кредиторлар ол-дидаги мажбуриятлари кири-тилади.

Қарздорни тўловга қоби-лиятсизлиги тўғрисида иш қўзғатиш ҳақидаги ариза суд томонидан қабул қилингандан кейин вужудга келган қарздор-нинг кредиторлар олдидаги мажбуриятлари кредиторлар-нинг талаблари реестрига ки-ритилмайди ва қарздорнинг улар олдидаги мажбурият-лари навбатдан ташқари ба-жарилади. Бунда мажбурият деганда, қарздорнинг тўловга қобилиятсизлиги тўғрисида иш қўзғатиш ҳақидаги ариза суд томонидан иш юритиш-га қабул қилинганидан кейин тузилган битим бўйича маж-бурият, шунингдек, олдин тузилган битим бўйича бажа-риш муддати аризани суд то-монидан иш юритишга қабул қилинганидан кейин вужудга келган мажбурият ёки қарз-дорда муайян ҳаракатларни амалга ошириш мажбурия-тининг вужудга келиши учун воқеа содир бўлганлиги тушу-нилади (масалан, мол-мулкни топшириш, пул маблағларини тўлаш ва бошқалар).

Кредиторларнинг талабла-ри реестрига қарздор ва (ёки) суд бошқарувчиси томонидан тан олинган ёхуд қонуний куч-га кирган суд ҳужжатлари (ҳал қилув қарори, қарор, ҳукм, ажрим, суд бўйруғи) билан тасдиқланган, шунингдек, дав-лат органларининг ҳужжатла-ри билан аниқланган талаб-лар киритилади.

Кредиторларнинг талабла-ри реестрига, асосий қарздан ташқари юқоридаги ҳужжат-лар билан тасдиқланган неус-тойка (жарима, пеня), шунин-гдек, иқтисодий (молиявий) санкциялар (фоизлар) кирити-лади.

Тўловга қобилиятсизлик тўғрисидаги иш қўзғатилгунга қадар вужудга келган, аммо қарздорнинг тўловга қоби-лиятсизлиги тўғрисида иш қўзғатиш ҳақидаги ариза суд томонидан қабул қилинган-дан кейин бажариш муддати келган пул мажбуриятлари ва мажбурий тўловларнинг миқ-дори тегишли тўловга қобили-ятсизлик тартиб-таомили (суд санацияси ёки ташқи бош-қарув) жорий этилган санага белгиланади.

Қарздор банкрот деб то-пилган ва тугатишга доир иш юритиш бошлангандан сўнг пул мажбуриятлари ва (ёки) мажбурий тўловлар бўйича талаблар миқдори пул маж-буриятларини бажариш ва мажбурий тўловларни тўлаш муддати юзага келганидан қатъи назар, тугатишга доир иш юритиш бошланган санага белгиланади, Қонун 150-мод-дасининг биринчи қисмида назарда тутилган талаблар бундан мустасно.

Қонун 18-моддасининг ик-кинчи қисмига кўра, креди-торлар талабларининг ҳи-соби реестрда Ўзбекистон Республикасининг миллий валютасида юритилади. Кре-диторларнинг чет эл валюта-сида ифодаланган талаблари кредиторларнинг талаблари реестрида, агар кредитор ва қарздор ўртасида тузилган шартномада бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, кредиторлар йиғилиши ўтка-зиладиган кундаги Ўзбекис-тон Республикаси Марказий банки томонидан белгиланган расмий курс бўйича қонунчи-лик ҳужжатларида белгилан-ган тартибда ҳисобга олинади.

Судларнинг эътибори қа-ратилсинки, кредиторлар йиғилиши ўтказиладиган кун деганда, тўловга қобилиятсиз-ликнинг тегишли тартиб-та-омилини жорий этиш тўғри-сидаги илтимоснома билан судга мурожаат этиш ҳақида кредиторлар йиғилиши қарори қабул қилинган сана тушуни-лиши керак.

Қарздорнинг тўловга қо-билиятсизлик тўғрисида иш қўзғатилганидан кейин юзага келган, шунингдек, тўловга қобилиятсизликнинг тегишли тартиб-таомили жорий этил-гандан сўнг бажариш муддати келган пул мажбуриятлари ва (ёки) солиқлар ва йиғимлар жорий тўловлар ҳисобланади ва кредиторларнинг талабла-ри реестрига киритилмайди.

25. ИПКнинг 101 ва 102-моддаларида назарда ту-рилган асослар мавжуд бўл-ганда тўловга қобилиятсизлик тўғрисидаги иш бўйича иш юритишни тўхтатиб туришга йўл қўйилади.

Корхонанинг раҳбарига ёки муассисларига (иштирокчила-рига) ёхуд мулкдорига, якка тартибдаги тадбиркорга ва (ёки) жисмоний шахсга нисба-тан тўловга қобилиятсизлик-ка олиб келган ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) учун жиноят иши қўзғатилган тақдирда ҳам тўловга қобилиятсизлик тўғриси-даги иш бўйича иш юритиш тўхтатиб турилади. Бундай ҳолатда, суднинг қўзғатилган жиноят иши бўйича чиқарил-ган суд ҳужжати қонуний кучга киргандан ёки тергов ҳаракат-лари тугагандан сўнг тўловга қобилиятсизлик тўғрисидаги иш бўйича иш юритиш тикла-нади.

Судлар инобатга олиши лозимки, тўловга қобилият-сизлик тўғрисидаги иш бўйи-ча иш юритиш нафақат Қо-нун 51-моддасининг биринчи қисмида кўрсатилган суд ҳужжатларидан бири қабул қилингунига қадар, балки апелляция (кассация) шикоя-ти (протести) ҳамда тафтиш тартибидagi шикоят (протест) бўйича қарор қабул қилингу-нига қадар ҳам тўхтатиб тури-лиши мумкин.

Тўловга қобилиятсизлик тўғрисидаги иш бўйича иш юритиш тўхтатилганда, суд Қонун 51-моддасининг би-ринчи қисмида кўрсатилган суд ҳужжатларини чиқаришга ҳақли эмас. Бунда суд томо-нидан жорий этилган тўловга қобилиятсизлик тартиб-тао-мили давом эттирилади, суд бошқарувчисида эса ўз вази-фарда тўтилган тартибда ши-коят берилиши (протест кел-тирилиши) мумкин.

26. Қонуннинг 51-моддасига кўра, тўловга қобилиятсизлик тўғрисидаги иш бўйича суд-нинг қарорлари ва ажримлари дарҳол ижро этилади. Лекин уларнинг устидан ИПКда на-зарда тутилган тартибда ши-коят берилиши (протест кел-тирилиши) мумкин.

Судлар инобатга олишлари лозимки, Қонун 61-моддаси-нинг иккинчи қисмига муво-фиқ тўловга қобилиятсизлик тўғрисидаги ишдаги келиш, мовчиликларни қўриб чиқиш натижаларига кўра, чиқарил-ган суд ажрими, агар унинг устидан апелляция тартибида шикоят қилинмаган (протест келтирилмаган) бўлса, у чиқа-рилган пайтдан эътиборан ўн кун ўтгач, қонуний кучга киради. Апелляция шикояти (протести) берилган тақдирда ажрим, агар у бекор қилинма-ган бўлса, апелляция инстан-цияси судининг қарори қабул қилинган кундан эътиборан қонуний кучга киради.

27. Тўловга қобилиятсизлик тўғрисидаги ишлар бўйича суд ҳужжатлари Қонунда назар-да тутилган хусусиятлари инобатга олган ҳолда, ИПКда белгиланган тартибда қайта қўриб чиқилиши мумкин.

Суднинг тўловга қобилият-сизлик тўғрисидаги иш доира-сида чиқарган, ИПКда назарда тутилмаган ажримлари усти-дан фақат Қонунда белгилан-ган ҳолларда ва тартибда ши-коят қилиш (протест келтириш) мумкин, Қонуннинг 51-модда-си, 95-моддасининг иккинчи қисми, 108-моддасининг ик-кинчи қисми ва 140-моддаси-нинг тўртинчи қисмида назар-да тутилган ажримлар бундан мустасно, улар устидан ИПК-

да назарда тутилган тартибда шикоят қилиш (протест келти-риш) мумкин.

Хусусан, Қонуннинг 60-мод-дасида кўрсатилган ариза ва шикоятларни қўриб чиқиш натижалари юзасидан чиқа-рилган суднинг ажримлари устидан Қонунда белгиланган тартибда ва муддатларда ши-коят берилиши (протест келти-рилиши) мумкин. Кўрсатилган ажримлар устидан апелляция шикояти (протести) улар чиқа-рилган пайтдан эътиборан ўн кун ичида, апелляция тарти-бида кўрилмаган ажрим усти-дан кассация шикояти ажрим қонуний кучга кирган кундан эътиборан бир ой ичида бери-лади (Қонуннинг 61-моддаси).

Кредиторлар йиғилиши-нинг қарорини ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисидаги суд-нинг ажрими устидан ҳам шу тартибда шикоят бериш (про-тест келтириш) мумкин (Қо-нун 17-моддасининг бешинчи қисми).

Суд бошқарувчилари-ни тайинлаш (озод қилиш, алмаштириш) тўғрисидаги ажримлар устидан Қонунда назарда тутилган тартибда шикоят қилиш (протест кел-тириш) мумкин. Агар суд са-нацияси ёки ташқи бошқарув тартиб-таомили жорий этили-ши билан бир пайтда сана-ция қилувчи бошқарувчи ёки ташқи бошқарувчи тайинлан-ган, тугатиш бошқарувчиси эса, қарздорни банкрот деб топиш ва тугатишга доир иш юритишни бошлаш билан бир пайтда тайинланган бўлиб, уларни тайинлаш тўғриси-да суд санацияси ёки ташқи бошқарувчи жорий этиш ҳақи-даги суднинг ажримида ёхуд қарздорни банкрот деб топиш тўғрисидаги ҳал қилув қарори-да кўрсатилган бўлса, тўловга қобилиятсизлик тўғрисидаги ишда иштирок этувчи шахс-лар Қонунда назарда тутилган тартибда суд ҳужжатининг суд бошқарувчисини тайинлашга доир қисми устидан шикоят бериши мумкин.

Судларнинг эътибори қа-ратилсинки, суднинг тугатиш-га доир иш юритиш тамо-ланганлиги ҳақидаги ажрими устидан шикоят қилинмайди (протест келтирилмайди). Би-роқ бундай ажрим ИПКнинг 327-моддасида назарда ту-тилган асослар мавжуд бўлса, шу жумладан, тугатишга доир иш юритиш тамомллангандан кейин қарздорнинг мол-мулк-и аниқланса, ишда иштирок этувчи шахсларнинг ариза-сига мувофиқ янги очилган ҳолатлар бўйича қайта қўриб чиқилиши мумкин. Тугатиш-га доир иш юритиш тамо-ланганлиги ҳақидаги ажрим янги очилган ҳолатлар бўйи-ча бекор қилинган тақдирда, суднинг ажримида тугатишга доир иш юритиш тикланганли-ги кўрсатилади.

28. Қонуннинг 55-модда-сига мувофиқ, суднинг қарз-дорни банкрот деб топишни рад этиш тўғрисидаги қарори тўловга қобилиятсизлик ало-матлари аниқланмаганда, суд тўловга қобилиятсизлик тўғри-сидаги иш бўйича қарор қабул қилгунга қадар кредиторлар-нинг билдирилган талаблари қондирилганда, сохта тўловга қобилиятсизлик аниқланганда ва Қонунда назарда тутилган бошқа ҳолларда қабул қили-нади.

Судлар инобатга олишлари лозимки, агар қарздор ўзининг аризасига асосан суд томони-дан банкрот деб топилган бў-либ, тугатишга доир иш юри-тиш жараёнида сохта тўловга қобилиятсизлик аломатлари аниқланса, ушбу ҳолат суд-нинг қарздорни банкрот деб топиш ва тугатишга доир иш юритишни бошлаш тўғриси-даги ҳал қилув қарори ишда иштирок этувчи шахсларнинг аризасига мувофиқ янги очил-ган ҳолатлар бўйича қайта қўриб чиқиш учун асос бўли-ши мумкин. Суднинг ҳал қилув қарори янги очилган ҳолатлар

бўйича бекор қилинган тақдир-да, ишни белгиланган умумий тартибда кўриш натижаси бўй-ича қарздорни банкрот деб то-пишни рад этиш тўғрисида хал қилув қарори қабул қилинади.

29. Қонун 55-моддасининг учинчи қисмига биноан, қарз-дорда етарли ҳажмда лик-вид мол-мулк мавжудлигидан далолат берувчи далиллар мавжуд бўлган тақдирда суд қарздорнинг илтимоснома-сига кўра, тўловга қобили-ятсизлик тўғрисидаги ишни қўришни кейинга қолдиришга, қарздорга кредиторларнинг талабларини суд томонидан белгиланган муддатда қано-атлантиришни таклиф этишга ҳақли, бу муддат ўттиз кундан ошмаслиги керак.

Судлар инобатга олишлари лозимки, қарздор суд томо-нидан белгиланган муддатда кредиторларнинг талабла-рини қаноатлантирмаган ва Қонун 5-моддасининг бирин-чи қисмида назарда тутил-ган тўловга қобилиятсизлик аломатлари аниқланган ҳол-ларда, агар тўловга қобили-ятсизликка оид тиклаш тар-тиб-таомилларидан бирини жорий этиш, келишув бити-мини тасдиқлаш ёки тўловга қобилиятсизлик тўғрисидаги иш юритишни тугатиш учун асослар мавжуд бўлмаса, суд қарздорни банкрот деб топиш ва тугатишга доир иш юри-тишни бошлаш тўғрисида қа-рор қабул қилади.

30. Қонуннинг 57-моддаси-га биноан, суд санацияси ёки ташқи бошқарув жараёнида қарздорнинг тўлов қобилияти тикланганда, келишув битими тузилганда ва у суд томони-дан тасдиқланганда, тўловга қобилиятсизлик тўғрисидаги ишда иштирок этувчи барча кредиторлар билдирилган талабларидан воз кечганда, кредиторларнинг талаблари реестрига киритилган креди-торларнинг барча талабла-ри қондирилганда, суд Қонун 55-моддаси биринчи қисми-нинг учинчи хатбошисига асо-сан қарздорни банкрот деб топишни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилади.

Агар суднинг қарздорни банкрот деб топиш тўғриси-да ҳал қилув қарори мавжуд бўлса ёки қарздор корхона тугатилган ва давлат реестри-дан чиқарилган бўлса, тўловга қобилиятсизлик тўғрисидаги иш бўйича иш юритиш тегиш-лича, ИПК 110-моддасининг 2 ёки 4-бандларига асосан туга-тилади.

Тўловга қобилиятсизлик тўғрисидаги иш бўйича иш юритиш Қонун 62-моддаси-нинг учинчи қисмига асосан ҳам тугатилиши лозим.

30.1. Судларнинг эътибори қаратилсинки, агар қарздор-нинг устав фондида (устав капиталда) давлат улushi бўлса, суд тўловга қобилият-сизлик тўғрисида иш қўзға-тилганлиги ҳақида ваколатли давлат органини хабардор қи-лиши лозим. Ваколатли дав-лат органи бундай хабарнома олинган кундан эътиборан икки ҳафталик муддат ичида судга судгача санация қилиш ўтказилиши мақсадга муво-фиқлиги ёки мувофиқ эмасли-ги тўғрисидаги ўз фикрини тақ-дим қилиши шарт (Қонуннинг 62-моддаси).

Ваколатли давлат органи-нинг судгача санация қилиш ўтказилиши мақсадга муво-фиқлиги тўғрисидаги хабар-номаси судга келиб тушганда, муваққат бошқарувчи Қонун-нинг 15-моддасида белгилан-ган тартибда кредиторларнинг

йиғилишини қақиради.

Ваколатли давлат органи-нинг судгача санация қилишни ўтказиш тўғрисидаги такли-фига розилик бериш ҳақидаги кредиторлар йиғилишининг қарори йиғилишда ҳозир бўл-ган овоз бериш ҳуқуқига эга кредиторларнинг кўпчилик овози билан қабул қилинади.

Кредиторлар йиғилишининг бундай қарор қабул қилиши Қонун 62-моддасининг учинчи қисмига асосан иш юритишни тугатиш учун асос бўлади.

Агар ваколатли давлат ор-гани тўловга қобилиятсизлик тўғрисида иш қўзғатилганлиги ҳақидаги хабарнома олинган кундан эътиборан икки ҳаф-талиқ муддат ичида судгача санация қилиш ўтказилиши мақсадга мувофиқлиги ёки му-вофиқ эмаслиги тўғрисидаги ўз фикрини судга тақдим қил-маса, тўловга қобилиятсизлик тўғрисидаги иш мухокамаси Қонунда белгиланган тар-тибда давом эттирилади.

30.2. Судларнинг эътибори қаратилсинки, тугатишга доир иш юритиш жараёнида ре-естрга киритилган кредито-рларнинг барча талаблари қон-дирилганда ва қарздорнинг ҳўжалиқ фаолиятини давом эттиришга имконияти мавжуд бўлганда, тугатиш бошқарув-чиси тақдим этган ҳисоботни қўриб чиқиш натижалари бўй-ича суд тўловга қобилиятсиз-лик тўғрисидаги иш бўйича иш юритишни тугатиш ҳақи-да ажрим чиқаради ва унда қарздорни банкрот деб топиш тўғрисидаги ҳал қилув қарори ижро этилмаслиги кўрсатила-ди.

31. Суд тўловга қобилият-сизлик тўғрисида иш қўзғатиш ҳақидаги аризани кўрмасдан қолдиради, агар:

ариза имзоланмаган бўл-са ёки уни имзолаш ҳуқуқига эга бўлмаган шахс томони-дан ёхуд мансаб мавқеи ёки фамилияси, исми, отасининг исми кўрсатилмаган шахс то-монидан имзоланган бўлса (ИПК 107-моддасининг 3-бан-дига асосан);

давлат солиқ хизмати орга-нининг ҳамда бошқа ваколат-ли органининг қарздорга нисба-тан тўловга қобилиятсизлик тўғрисида иш қўзғатиш ҳақи-даги аризасига қонунчилик-ка мувофиқ солиқлар ҳамда йиғимлар бўйича қарзни қай-тариб олишга доир чора-тад-бирлар қўрилганлигига оид далиллар илова қилинмаган ва ариза суд томонидан хато-га йўл қўйилиб, иш юритишга қабул қилинган бўлса (ИПК 107-моддасининг 5-бандига асосан).

Суднинг тўловга қобилият-сизлик тўғрисида иш қўзғатиш ҳақидаги аризани кўрмасдан қолдириш тўғрисидаги ажри-ми устидан шикоят берилиши (протест келтирилиши) мум-кин.

Судларнинг эътибори қара-тилсинки, қарздорнинг тўлов-га қобилиятсизлиги тўғрисида иш қўзғатиш ҳақидаги ариза билан судга мурожаат қилган шахснинг биринчи суд маж-лисига келмаганлиги ва ишни унинг иштирокисиз қўриш тўғ-рисида ариза бермаганлиги ИПК 107-моддасининг 6-бан-дига мувофиқ аризани кўр-масдан қолдириш учун асос бўлмайди, тўловга қобилият-сизликнинг соддалаштирил-ган тартиб-таомили бундан мустасно.

32. Битимлар Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси (бундан буён матнда ФК деб юритилади)да назарда тутилган асослардан ташқари Қонуннинг 63-66-моддала-ри, 120-моддасининг иккинчи қисми, 140-моддасининг ет-тинчи қисми, 169-моддаси, 219-моддасининг бешинчи қисми ва 231-моддасининг би-ринчи қисмида белгиланган асослар бўйича ҳам суд томо-нидан ҳақиқий эмас деб топи-лиши мумкин.

(Давоми 4-бетда) ►

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг
Қ А Р О Р И

Иқтисодий судлар томонидан “Тўловга қобилиятсизлик тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни нормаларини қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида

◄(Бошланиши 3-бетда)

Суд бошқарувчиси, талаблари кредиторларнинг талаблари реестрига қиритилган кредиторлар, шунингдек, низолашилаётган битим билан ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари бузилган ёки ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига таъсир қиладиган шахслар қарздор томонидан тузилган битимни (низоли ёки ўз-ўзидан ҳақиқий бўлмаган) ҳақиқий эмас деб топиш ва (ёки) унинг ҳақиқий эмаслиги оқибатларини қўллаш тўғрисида даъво тақдим этиш ҳуқуқига эга.

Бундай даъволар бўйича даъво муддати мазкур шахслар битимни ҳақиқий эмас деб топиш учун асослар мавжудлигини билган ёки билиши лозим бўлган кундан эътиборан ҳисобланади.

Қарздорнинг битимлари ни ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисидаги даъво аризалари тўловга қобилиятсизлик тўғрисидаги иш доирасидан ташқари, процессуал қонунчиликда белгиланган ишларнинг тааллуқлилиги ва судловга тегишлилиги тўғрисидаги умумий қоидаларга риоя этилган ҳолда кўриб чиқилади.

Қонуннинг 63-моддаси қоидаларига кўра битимлар, агар улар қарздор ёки унинг вакили томонидан тўловга қобилиятсизлик тўғрисида иш қўзғатилгунга қадар уч йил ичида тузилган бўлса ва агар Қонунда бошқача қоида назарда тутилган бўлмаса, ҳақиқий эмас деб топилиши мумкин. Бундай битимлар тўловга қобилиятсизлик тартиб-таомиллари жорий этилгандан кейин ҳам низолашилиши мумкин.

Тўловга қобилиятсизлик тўғрисида иш қўзғатилганидан кейин ёки тўловга қобилиятсизлик тўғрисида иш қўзғатиш ҳақида ариза берилишидан олдинги ўттиз олти ой ичида қарздор юридик шахс томонидан тузилган, қарздорнинг иштирокчиси қарздорнинг иштирокчилари таркибидан чиққанлиги муносабати билан унга мол-мулкдаги улушни тўлаш (ажратиб бериш) билан боғлиқ битим ҳам суд томонидан ҳақиқий эмас деб топилиши мумкин.

Судлар шуни инобатга олишлари лозимки, Қонунда йирик битимлар ва суд бошқарувчиси, кредиторлар йиғилиши ёки кредиторлар қўмитасининг розилигисиз тузилган манфаатдорлик мавжуд бўлган битимлар юзасидан ҳам низолашиш имконияти назарда тутилган.

Бунда баланс қиймати қарздорнинг кўчмас мол-мулкни ёки битим тузиш пайтидаги активлари баланс қийматининг ўн фоизидан кўпроғини ташкил этадиган бошқа мол-мулкнини тасарруф этишга олиб келадиган битимлар йирик битимларга киради.

Битимни тузган тарафлардан бири ташқи бошқарувчига ёки кредиторга нисбатан манфаатдор шахс бўлса, бундай битимлар манфаатдорлик назарда тутилган битимлар деб эътироф этилади. (Қонун 118-моддасининг учинчи ва тўртинчи қисми).

33. Шахсларни субсидиар жавобгарликка тортиш учун қуйидагилар асос бўлади:

қарздорнинг раҳбари, тугатиш комиссияси аъзолари ёки тугатувчи қарздорга нисбатан тўловга қобилиятсизлик тўғрисида иш қўзғатиш ҳақида ариза билан судга мурожаат этиши шарт бўлиб, улар судга бу ҳақидаги ариза билан мурожаат этмаганда (Қонуннинг 10-моддаси);

қарздор тузган битим суд томонидан ҳақиқий эмас деб топилган ва ушбу битимнинг ҳақиқий эмаслиги оқибатлари

қўлланган тақдирда мол-мулк қийматини қайтариш мумкин бўлмаганда (Қонун 67-моддасининг тўртинчи қисми);

агар юридик шахснинг тўловга қобилиятсизлиги шу юридик шахс учун мажбурий кўрсатмалар бериш ҳуқуқига эга бўлган муассис (иштирокчи) сифатидаги шахснинг ёки юридик шахс мол-мулки эгасининг ёҳуд қарздорнинг ишларини бошқарувчи шахснинг ғайриқонуний ҳаракатлари туфайли юзага келган бўлса, юридик шахснинг мол-мулки етарли бўлмаган тақдирда (ФК 48-моддасининг учинчи қисми, Қонун 70-моддасининг биринчи қисми);

агар қарздорнинг ишларини бошқарувчи бир нечта шахснинг ғайриқонуний ҳаракатлари кредиторларнинг талабларини тўлиқ қаноатлантиришни имконсиз қилиб қўйса (Қонун 70-моддасининг учинчи қисми); мажбуриятларни бажариш таъминотини берган шахслар томонидан шу таъминотдан келиб чиқадиган мажбуриятлар кредиторларнинг талабларини қаноатлантириш учун Қонун 107-моддасининг биринчи қисмида белгиланган муддатда бажарилмаганлиги (Қонун 107-моддасининг иккинчи қисми);

қурувчининг мол-мулки етарли бўлмаган тақдирда, тўловга қобилиятсизликка олиб келган қурувчининг муассислари (иштирокчилари), мулкдори ва (ёки) раҳбарларининг ноқонуний ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) (Қонуннинг 193-моддаси).

33.1. Судларнинг эътибори қаратилсинки, субсидиар жавобгарликка тортиш учун асослар мавжуд бўлганда, тўловга қобилиятсизлик тўғрисидаги ишда иштирок этувчи шахслар тўловга қобилиятсизлик тўғрисидаги иш доираси ёки ундан ташқари судга тегишли ариза бериш ҳуқуқига эга (Қонуннинг 71 ва 76-моддалари).

33.2. Тўловга қобилиятсизлик тўғрисидаги иш доирасида берилган субсидиар жавобгарликка тортиш ҳақидаги ариза Қонунда белгиланган тартибда суд томонидан кўриб чиқилади (Қонуннинг 73-моддаси).

Аризани кўриб чиқиш натижалари бўйича суд ажрим чиқаради, унда субсидиар жавобгарликка тортилган шахсдан ундирилиши лозим бўлган умумий сумма, шу жумладан, Қонун 74-моддасининг иккинчи қисмида назарда тутилган усулни танлаган кредиторларнинг ҳар бири фойдасига ва қолган қисми бўйича қарздор фойдасига ундириладиган сумма кўрсатилади. Ажримга асосан суд ҳужжатини мажбурий ижро этиш учун ижро варақаси берилади.

Субсидиар жавобгарликка тортиш тўғрисидаги суд ҳужжати ижро этиш жараёнида келиб тушган пул маблағлари кредиторларнинг талабларини қаноатлантиришга йўналтирилади (Қонун 75-моддасининг иккинчи қисми).

33.3. Тўловга қобилиятсизлик тўғрисидаги иш доирасидан ташқари субсидиар жавобгарликка тортиш тўғрисидаги ариза тўловга қобилиятсизлик тўғрисидаги ишда иштирок этаётган шахс субсидиар жавобгарликка тортиш учун асослар мавжудлигини билган ёки билиши лозим бўлган кундан эътиборан уч йил ичида, бироқ суднинг қарздорни тугатишга доир иш юритиш тамомланганлиги тўғрисидаги ажрими чиқарилганидан кейин уч йилдан келачиктирмай судга тақдим этилиши мумкин.

33.4. Агар субсидиар жавобгарликка тортиш тўғрисидаги ариза тўловга қобилиятсизлик тўғрисидаги иш

доирасидан ташқари берилган бўлса ва унда қарздорнинг ишларини бошқарувчи шахсларни субсидиар жавобгарликка тортишдан манфаатдор бўлган шахслар кўрсатилмаган бўлса, суд бундай аризани ҳаракатсиз қолдиради ва манфаатдор шахсларни аниқлаш мақсадида ариза-чига тўловга қобилиятсизлик тўғрисидаги иш материаллари билан танишиш ҳуқуқини беради.

Бунда суд ариза келиб тушган кундан эътиборан беш кундан кечиктирмай даъвогарни (аризачини) манфаатдор шахсларни аниқлаш мақсадида ва уларнинг рўйхатини, реквизиэтлари қўрсатилган ҳолда судга тақдим этиш учун тўловга қобилиятсизлик тўғрисидаги иш ҳужжатлари билан танишиш ҳуқуқи ҳақида хабардор қилади ва бунинг учун оқилона муддат беради.

Агар белгиланган муддатда даъвогар (аризачи) манфаатдор шахсларнинг рўйхатини судга тақдим қилмаса, суд ариза ва унга илова қилинган ҳужжатларни ИПК 155-моддаси биринчи қисмининг 1-бандига асосан қайтаради.

34. Қонун 92-моддасининг иккинчи қисмига мувофиқ, агар кредиторларнинг биринчи йиғилишида тўловга қобилиятсизлик тартиб-таомилларидан бирини қўллаш ҳақида қарор қабул қилинмаган бўлса ёки судга уларнинг қарорларидан ҳеч бири Қонуннинг 16-моддасида белгиланган муддатда тақдим этилмаган бўлса, суд доимий тўловга қобилиятсизлик аломатлари бўлган тақдирда, агар ушбу моддада бошқача қоида белгиланмаган бўлса, қарздорни банкрот деб топиш ва тугатишга доир иш юритишни бошлаш тўғрисида қарор қабул қилади. Доимий тўловга қобилиятсизлик аломатлари мавжуд бўлмаган тақдирда, суд қарздорнинг фаолиятини тиклаш тартиб-таомилларидан бирини жорий этиш тўғрисидаги масалани кредиторлар йиғилишида кўриб чиқиш учун тақдим этилган материалларни қайтаради.

Судлар инобатга олишлари кераки, тақдим этилган материалларни қайтариш тўғрисида ажрим чиқарилади ва унда қарздорнинг фаолиятини тиклаш тартиб-таомилларидан бирини жорий этиш тўғрисидаги масалани кредиторлар йиғилишида кўриб чиқиш учун муддат белгиланади. Агар суд томонидан белгиланган муддатда кредиторлар йиғилиши томонидан тўловга қобилиятсизлик тартиб-таомилларидан бирини қўллаш ҳақида қарор қабул қилинмаган бўлса ёҳуд судга қарорларидан ҳеч бири тақдим этилмаган бўлса, суд қарздорни банкрот деб топиш ва тугатишга доир иш юритишни бошлаш тўғрисида қарор қабул қилади.

35. Қонунга кўра, санация қилувчи бошқарувчиликка номзод кредиторларнинг йиғилиши ёки мажбуриятларни бажариш таъминотини берган шахслар томонидан судга тақдим этилади (Қонун 97-моддасининг биринчи қисми).

Агар кредиторларнинг йиғилиши ёки мажбуриятларни бажариш таъминотини берган шахслар томонидан санация қилувчи бошқарувчиликка номзод тақдим этилган санация қилувчи бошқарувчи суднинг сўровига асосан ваколатли давлат органи ёки суд бошқарувчиларининг жамоат бирлашмаси томонидан тақлиф этилган номзодлар орасидан тайинлаши лозим.

36. Қонун 100-моддасининг йиғирманчи ва йигирма биринчи қисмларига мувофиқ, агар бирор-бир кредитор қарздорнинг қарзларидан тў-

лиқ ёки қисман озод этилишига ёки уларнинг ўзгартирилишига қарши бўлса, қолган кредиторлар унга талабни кредиторларнинг талаблари реестрига мувофиқ сотиб олиш бўйича тақлиф беришга ҳақли ва у қолган кредиторлар томонидан тақлиф этилган шартларни қабул қилиши шарт.

Бунда кредиторларнинг тақлифида талабни кредиторларнинг талаблари реестрига мувофиқ сотиб олиш учун муддат қўрсатилиши лозим. Агар кредитор кўрсатилган муддатда қолган кредиторлар томонидан тақлиф этилган шартларни қабул қилмаса, у қарздорни қарзлардан тўлиқ ёки қисман озод қилиш ёҳуд уларни ўзгартириш билан рози бўлган деб ҳисобланади.

37. Судларнинг эътибори қаратилсинки, Қонуннинг 149-моддасига кўра, қарздорнинг мол-мулки билан таъминланган кредиторларнинг талабларини қаноатлантириш ушбу мол-мулк электрон онлайн-аукцион шаклидаги кимошди савдосида сотилганидан кейин тушган маблағлар ҳисобидан амалга оширилади.

Савдо ва (ёки) тақрорий электрон онлайн-аукцион шаклидаги кимошди савдоси амалга ошмаган деб топилган тақдирда, мазкур мол-мулк талаблари ушбу мол-мулк билан таъминланган кредиторларга ўз талаблари ҳисобига ўтказиш учун белгиланган тартибда қабул қилиш учун тақлиф этилади.

Агар қарздорнинг мажбуриятлари бажарилишининг таъминоти сифатида берилган мол-мулкнинг бозор қиймати кредиторларнинг ушбу мол-мулк билан таъминланган талабларидан кўп бўлса, бунда юзага келган фарқнинг ўрни мазкур мол-мулкни ўз талаблари ҳисобига қабул қилаётини кредиторлар томонидан пул шаклида қопланади.

“Баҳолаш фаолияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни 7-моддасининг биринчи қисмига мувофиқ, баҳолаш объектининг бозор қиймати деганда, энг эҳтиمول тутилган нархи тушунилиб, унга кўра, мазкур баҳолаш объекти очиқ бозорда рақобат шароитида, битимнинг тарафлари барча зарур ахборотга эга бўлган ҳолда ўз манфаатлари йўлида оқилона ва ихтиёрий равишда ҳаракат қилади, битим нархининг банд-пастилигиде эса, бирон-бир фавқулодда ҳолатлар, шу жумладан, тарафлардан бирининг ушбу битимга қўшилиш мажбурияти акс этмайди.

Худди шундай норма Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2023 йил 28 декабрда 3487-сон билан рўйхатга олинган Ўзбекистон Республикасининг Ягона миллий баҳолаш стандартининг 76-бандида ҳам қайд этилган.

Шунга кўра, кимошди савдоси ва (ёки) тақрорий электрон онлайн-аукцион шаклидаги савдо амалга ошмаган деб топилган тақдирда, гаровдаги мол-мулк мазкур мол-мулк талаблари ушбу мол-мулк билан таъминланган кредиторларга ўз талаблари ҳисобига ўтказиш учун белгиланган тартибда сўнгги кимошди савдосида белгиланган нархда қабул қилиш учун тақлиф этилади.

38. Қонун 108-моддасининг биринчи қисмига биноан, агар қарздорнинг тўлов қобилиятини тиклашнинг ҳақиқий имконияти аниқланган бўлса, ташқи бошқарув кредиторлар йиғилишининг илтимоснома-си, мол-мулкда давлат улуриш бўлган корхоналар бўйича эса, ваколатли давлат органининг аризаси асосида суд

томонидан жорий этилади.

Ташқи бошқарув ўн икки ойдан (кам эмас) йигирма тўрт ойгача муддатга жорий этилиши мумкин. Суд санацияси ва ташқи бошқарувнинг жами муддати ўттиз ойдан ошмаслиги лозим. Агар қарздорга нисбатан суд санацияси жорий этилмаган бўлса, ташқи бошқарувнинг энг кўп муддати йигирма тўрт ойдан ошмаслиги шарт (шаҳарни ташкил этувчи корхоналар ҳамда уларга тенглаштирилган корхоналар бундан мустасно).

Ташқи бошқарув учун белгиланган муддатнинг қисқартирилишига ёки узайтирилишига Қонун 108-моддасининг тўртинчи қисмида назарда тутилган муддатлар доирасида кредиторлар йиғилишининг илтимосномасига, ваколатли давлат органининг қарорига ёки ташқи бошқарувчининг аризасига биноан йўл қўйиладди. Ташқи бошқарув муддати-ни қисқартириш ёки узайтириш масаласи ишда иштирок этувчи шахслар суд мажлисининг вақти ва жойи тўғрисида хабардор қилинган ҳолда суд томонидан кўриб чиқилади.

39. Қонуннинг 110-моддасига мувофиқ, кредиторлар талабларини қондиришга нисбатан мораторий ташқи бошқарув жорий этилгунга қадар бажариш муддати келган пул мажбуриятларига ва (ёки) мажбурий тўловларга татбиқ этилади, қарздорга нисбатан кузатув ва (ёки) суд санацияси жорий қилинганидан кейин вужудга келган пул мажбуриятлари ва (ёки) мажбурий тўловлар бундан мустасно.

Ташқи бошқарув жорий этилганидан кейин бажариш муддати бошланган пул мажбуриятлари ва (ёки) мажбурий тўловлар бўйича талабларга мораторий татбиқ этилмайди.

40. Қонуннинг 140-моддасига мувофиқ, тугатишга доир иш юритиш муддати ўн икки ойдан ошиши мумкин эмас. Шундан келиб чиқиб, суднинг банкрот деб топиш ва тугатишга доир иш юритишни бошлаш тўғрисидаги ҳал қилув қарорида тугатиш бошқарувчиси томонидан тугатишга доир иш юритиш натижалари ҳақидаги ҳисоботни тақдим этишининг аниқ муддатини белгилаш лозим.

Зарурат бўлганда Қонун 140-моддасининг учинчи қисмида санаб ўтилган ҳолатлар мавжуд бўлса, тўловга қобилиятсизлик тўғрисидаги ишда иштирок этувчи шахснинг илтимосномасига кўра ёки суднинг ташаббуси билан бу муддат кўпи билан уч ойга узайтирилиши мумкин.

41. Қонун 141-моддаси биринчи қисмининг тўққизинчи хатбошига мувофиқ суд томонидан қарздорни банкрот деб топиш ва тугатишга доир иш юритишни бошлаш тўғрисида қарор қабул қилинган пайтдан эътиборан ижро ҳужжатларини ижро этиш тугатилади. Ижро ҳужжатлари қонунчиликда белгиланган тартибда давлат ижрочилари томонидан тугатиш бошқарувчисига ўтказилиши лозим. Суд харажатларини ундириш тўғрисидаги ижро ҳужжатлари ҳам суд томонидан тугатиш бошқарувчисига юборилади.

Тугатиш бошқарувчиси тайинланган кундан эътиборан унга қарздорнинг ишларини бошқариш ва қарздорнинг мол-мулкнини тасарруф этиш бўйича барча ваколатлар ўтади.

Шу муносабат билан қарздорнинг бошқарув органлари (ташқи бошқарувчи) шу жумладан, қарздор юридик шахснинг раҳбари, қарздор якка тартибдаги тадбиркор тугатиш бошқарувчиси тайинланган кундан эътиборан уч иш куни ичида қарздорнинг бухгалтерия ҳужжатлари ва

бошқа ҳужжатлари, муҳрлари ва штамплари (муҳрлар ва штамплар мавжуд бўлган тақдирда), моддий ва бошқа қимматликлари тугатиш бошқарувчисига топширилишини таъминлайди (Қонун 144-моддасининг олтинчи қисми).

Қарздор жисмоний шахс молиявий бошқарувчиси тайинланган кундан эътиборан уч иш куни ичида ўз эғалигидаги барча мол-мулкларни, шу жумладан, бундай мол-мулклар бўйича мулккий ҳуқуқларни тасдиқловчи ҳужжатларни молиявий бошқарувчисига топшириши шарт, қонунчиликка мувофиқ ундирув қаратилиши мумкин бўлган мол-мулклар бундан мустасно (Қонун 219-моддасининг олтинчи қисми).

Мазкур банднинг учинчи ва тўртинчи хатбошиларида қўрсатилган мажбуриятни бажаришдан бош тортилган тақдирда, тугатиш бошқарувчиси қарздорнинг бошқарув органилари (ташқи бошқарувчи) ва қарздор жисмоний шахс зиммасига Қонун 144-моддасининг олтинчи қисми ва 219-моддасининг олтинчи қисмида назарда тутилган мол-мулк ва ҳужжатларни топшириш мажбуриятини юклаш тўғрисидаги ариза билан судга мурожаат этиш-ча ҳақли. Тугатиш бошқарувчисининг ушбу мазмундаги аризаси у судга келиб тушганидан кейинги кундан кечиктирмай ишда иштирок этувчи шахсларни хабардор қилмасдан кўриб чиқилиши ва натижаси бўйича ажрим чиқарилиши лозим.

Суд ажримининг ижроси суд томонидан бериладиган ижро варақаси асосида Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Мажбурий ижро бюросининг тегишли бўлими томонидан амалга оширилади.

42. Кредиторлар талабларини қондириш тартиби (навбати) Қонуннинг 150, 185, 192, 221, 236-моддаларида белгиланган. Бунда ҳар қайси кейинги навбат бўйича талаблар олдинги навбат талаблари тўла қаноатлантирилганидан кейин қаноатлантирилади.

Қарздорнинг мол-мулки етарли бўлмаганлиги сабабли қондирилмаган кредиторларнинг талаблари ҳам қаноатлантирилган деб ҳисобланади, қарздор мажбуриятлари бошқа шахслар томонидан таъминланган ҳолатлар бундан мустасно.

Кредиторларнинг тугатиш бошқарувчиси томонидан тан олинмаган талаблари ҳам, агар кредитор судга мурожаат қилмаган бўлса ёки бундай талаблар суд томонидан асоссиз деб топилган бўлса, қаноатлантирилган деб ҳисобланади.

43. Қарздорнинг сотишга тақлиф қилинган, лекин тугатишга доир иш юритиш мобайнида реализация қилинмаган мол-мулки тугатиш бошқарувчиси томонидан сўнгги савдода белгиланган нархда кредиторларга кредиторлик қарзларини тўлаш ҳисобига қабул қилиш учун тақлиф этилади.

Агар кредиторнинг ижро органи тугатиш бошқарувчисини ушбу масалани қонунда ёки кредиторнинг уставида белгиланган ҳолларда кредиторнинг кузатув кенгашига ёки муассисларининг (иштирокчиларининг) умумий йиғилиши қарорини тақдим қилиш учун оқилона муддат беради. Кредитор томонидан қарорни белгиланган муддатда тақдим этилмаганлиги

мол-мулкни қабул қилиш рад этилишига тенглаштирилади.

Агар кредитор ушбу мол-мулкни қабул қилишга розилик берса ва мол-мулкнинг қиймати кредиторнинг талабларидан кўп бўлса, юзага келган фарқнинг ўрни мазкур мол-мулкни ўз талаблари ҳисобига қабул қилаётган кредитор томонидан пул шаклида қопланади.

Кредиторлар мазкур мол-мулкни ўз талабларини қаноатлантириш учун қабул қилишни рад этган ёки белгиланган муддатда улардан хабар келмаган тақдирда тугатиш бошқарувчиси маҳаллий давлат ҳокимияти органини мол-мулкни балансга олиш ҳақида ёзма шаклда хабардор қилади.

Маҳаллий давлат ҳокимияти органи мол-мулкни қабул қилишни рад этган ёки уни қабул қилишдан бўйин товлаган тақдирда, тугатиш бошқарувчиси тегишли органини мазкур мол-мулкни қабул қилишга ундаш ҳақидаги ариза билан судга мурожаат этишга ҳақли.

Судлар томонидан тугатиш бошқарувчисининг аризаси у келиб тушганидан кейинги кундан кечиктирмай ишда иштирок этувчи шахсларни хабардор қилмасдан кўриб чиқилиши ва натижаси бўйича ажрим чиқарилиши лозим. Суднинг ажрими билан маҳаллий давлат ҳокимияти органининг зиммасига қарздорнинг мол-мулкни қабул қилиш мажбурияти юклатиладди.

Маҳаллий давлат ҳокимияти органи томонидан суднинг ажримини бажаришдан бўйин товланган тақдирда суднинг ажрими унинг асосида берилган ижро варақасига асосан давлат ижрочиси томонидан қонунда белгиланган тартибда ижро этилади.

43.1. Қонунга мувофиқ, тугатиш бошқарувчиси дебиторлик қарзларини ундириш чораларини кўриши лозим.

Судларга тушунтирилсинки, дебиторлик қарзларини ундириш ҳуқуқи электрон онлайн-аукцион шаклидаги кимошди савдоси ўтказиш орқали реализация қилиниши мумкин.

Қарздорнинг сотишга тақлиф қилинган, лекин тугатишга доир иш юритиш мобайнида реализация қилинмаган дебиторлик қарзларини ундириш ҳуқуқи электрон онлайн-аукцион шаклидаги кимошди савдоси ўтказиш орқали реализация қилиниши мумкин.

Қарздорнинг сотишга тақлиф қилинган, лекин тугатишга доир иш юритиш мобайнида реализация қилинмаган мол-мулки тугатиш бошқарувчиси томонидан сўнгги савдода белгиланган нархда кредиторларга кредиторлик қарзларини тўлаш ҳисобига қабул қилиш учун тақлиф этилади.

43. Қарздорнинг сотишга тақлиф қилинган, лекин тугатишга доир иш юритиш мобайнида реализация қилинмаган мол-мулки тугатиш бошқарувчиси томонидан сўнгги савдода белгиланган нархда кредиторларга кредиторлик қарзларини тўлаш ҳисобига қабул қилиш учун тақлиф этилади.

Агар кредиторнинг ижро органи тугатиш бошқарувчисини ушбу масалани қонунда ёки кредиторнинг уставида белгиланган ҳолларда кредиторнинг кузатув кенгашига ёки муассисларининг (иштирокчиларининг) умумий йиғилиши қарорини тақдим қилиш учун оқилона муддат беради. Кредитор томонидан қарорни белгиланган муддатда тақдим этилмаганлиги

(Давоми 5-бетда) ►

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг Қ А Р О Р И

Иқтисодий судлар томонидан “Тўловга қобилиятсизлик тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни нормаларини қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида

◄(Бошланиши 4-бетда)

Судлар назарда тутишлари лозимки, қарздорнинг сотиш-га тақлиф қилинган, лекин тугатишга доир иш юритиш мобайнида реализация қилинмаган мол-мулки креди-торлар томонидан қабул қилинганда суднинг тугатишга доир иш юритишни тамом-лаш тўғрисидаги ажримда кредиторларнинг номи ва улар томонидан кредиторлик қарзларини тўлаш ҳисобига қабул қилинган мол-мулк кўр-сатилиши лозим.

45. Судларнинг эътибори шунга қаратилсинки, Қонун 232-моддасининг биринчи қисмига мувофиқ қарздор якка тартибдаги тадбиркор-ни тўловга қобилиятсиз деб топиш тўғрисидаги ариза қа-бул қилинганда, судья, шу-нингдек, унинг мол-мулкини хатлаш тўғрисида ажрим чиқариши керак, бундан қо-нунчиликка мувофиқ ундирув-ни қаратиш мумкин бўлмаган мол-мулк мустасно.

46. Қарздор – якка тар-тибдаги тадбиркор креди-торларининг барча талаблари тўлиқ қаноатлантирилгандан ва ҳисоб-китоблар тугаган-дан кейин суд тугатишга доир иш юритиш тамомланганлиги ҳақида ажрим чиқаради.

Қарздор – якка тартибдаги тадбиркорнинг барча креди-торлар талабларини қано-атлантириш учун мол-мулки етарли бўлмаган ҳолларда, давлат ижросини “Суд хуж-жатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Рес-публикаси Қонунининг 37 ва 39-моддаларида белгиланган қоидаларга мувофиқ унди-рувни қарздорнинг мол-мул-кига қаратиш ҳақидаги ижро варақасини судга қайтаради. Суд ижро варақасини қай-тариш ҳақидаги ҳужжатлар-ни кўриб чиққандан кейин тугатишга доир иш юритиш тамомланганлиги тўғрисида ажрим чиқаради.

Агар суд томонидан Қонун 234-моддасининг иккинчи қисмига мувофиқ тугатиш бо-шқарувчиси тайинланган бўл-са, у ҳолда тугатишга доир иш юритиш Қонуннинг 160-мод-дасида белгиланган қоидалар бўйича тамомланади.

47. Юридик шахсларнинг айрим тоифалари, якка тар-

тибдаги тадбиркор, жисмоний шахс, тугатилаётган юридик шахс ва ҳозир бўлмаган қарз-дорнинг тўловга қобилият-сизлиги тўғрисидаги ишлар кўрилаётганда, қонун хуж-жатларида бошқача қоида назарда тутилган бўлмаса, Қонуннинг умумий қоидалари қўлланилади.

48. Суднинг қарздор юридик шахсни банкрот деб топиш тўғрисидаги ҳал қилув қарори бекор қилинган ва қарздор-ни банкрот деб топишни рад этиш ҳақида янги қарор қабул қилинганда, судлар ҳал қи-лув қарориди қарздор бошқа-рув органининг ваколатлари тикланганлиги ҳамда тугатиш бошқарувчиси ҳал қилув қар-ори қабул қилинган кундан эътиборан уч иш куни ичида бухгалтерия ва бошқа хуж-жатлар, муҳр ва штамплар, моддий ва бошқа қимматли-кларни қарздорнинг бошқарув органига топширилиши керак-лиги кўрсатилиши лозим.

49. Қонунга мувофиқ, ту-зилган келишув битимининг шартлари фақат уни тузиш ҳақида қарор қабул қилган кредиторлар йиғилиши ўтқа-зилган санага кредиторлар-нинг талаблари реестрига киритилган талабларга нисба-тан татбиқ этилади.

Кредиторларнинг талабля-ри реестрига талаблари ки-ритилмаган кредиторлар, келишув битими тасдиқланган ва тўловга қобилиятсизлик тўғрисидаги иш бўйича иш юритиш тугатилгандан сўн-ра келишув битими шартларини ҳисобга олмаган ҳолда, ўз та-лабларини умумий тартибда тақдим этишга ҳақли.

Судлар эътиборга олиши керакки, келишув битимини тузиш масаласи кўрилаётган кредиторлар йиғилишида би-ринчи, иккинчи ва учинчи гуруҳ кредиторлари овозга эга ва қарор, башарти, кредиторлар йиғилишида иштирок этаётган ушбу гуруҳлар кредиторлари-нинг кўпчилиги уни ёқлаб овоз берган бўлса, қабул қилинган деб ҳисобланади.

50. Келишув битимини тас-диқлаш ҳақида суд ажрим чиқаради ва унда тўловга қо-билиятсизлик тўғрисидаги иш бўйича иш юритиш тугатил-ганлиги кўрсатилиши лозим.

Келишув битими тузилган тақдирда, жисмоний шахс-

нинг қарзини таркибий жиҳат-дан ўзгартириш режасининг бажарилиши, шунингдек, кредиторларнинг талаблари-ни қаноатлантиришга доир мораторийнинг амал қилиши тугатилади (Қонун 225-мод-дасининг тўртинчи қисми).

Агар кузатув таомилида қарздор – юридик шахс бош-қарув органининг ваколат-лари суднинг ажрими билан тугатилган ва муваққат бош-қарувчининг зиммасига юкла-тилган бўлса, қарздор номи-дан келишув битими муваққат бошқарувчи томонидан имзо-ланади.

Тугатишга доир иш юри-тиш жараёнида тузилган келишув битими тасдиқлан-ганда, суднинг ажримиди Қонун 161-моддасининг бе-шинчи қисмига асосан қарз-дорни банкрот деб топиш ва тугатишга доир иш юритиш-ни бошлаш тўғрисидаги ҳал қилув қарори ижро этилмас-лиги, тўловга қобилиятсиз-лик тўғрисидаги иш эса, ИПК 110-моддасининг 7-бандига асосан тугатилиши кўрсати-лиши лозим.

Судларнинг эътибори шун-га қаратилсинки, иш ҳақи бўйича қарзнинг мавжудлиги суд томонидан келишув бити-мини тасдиқлашни рад этиш учун асос бўлади.

Қарздор томонидан кели-шув битимининг шартлари бажарилмаганда, креди-торлар ишнинг тааллуқлили-ги қоидаларига риоя қилган ҳолда судга даъво аризаси беришга ҳақли. Бунда креди-торларнинг талаблари микдо-ри келишув битими шартлари асосида аниқланади.

Келишув битимининг шарт-лари бузилганлиги муноса-бати билан жисмоний шахс-нинг тўловга қобилиятсизлиги ҳақидаги иш юритиш қайта тикланган тақдирда, жисмо-ний шахсни банкрот деб то-пиш ва унинг мол-мулкини сотиш тартиб-таомили жорий этилади (Қонун 225-моддаси-нинг олтинчи қисми).

Қарздорга нисбатан тўлов-га қобилиятсизлик тўғрисида янги иш кўзғатилган тақдирда, келишув битими қайси креди-торларга нисбатан тузилган бўлса, уша кредиторлар та-лабларининг ҳажми келишув битимида назарда тутилган шартларига кўра аниқланади.

51. Қарздорга қарзни тўлаш муддатини узайтириш, бў-либ-бўлиб тўлашга рухсат бе-риш ва (ёки) кредиторларга тегишли қарзни қамайтириш йўли билан молиявий ёрдам кўрсатилиши қарздорнинг мо-лиявий аҳволини тўловга қо-билиятсизлиқнинг бошқа тао-милида тиклаш бўйича чора сифатида эмас, балки келишув битимининг предмети сифати-да қабул қилиниши лозим.

52. Шаҳарни ташкил этувчи ва унга тенглаштирилган кор-хонанинг банкротлиги тўғри-сида иш кўзғатиш ҳақидаги ишларни кўришда судлар Ўзбекистон Республикаси Ва-зирлар Маҳкамасининг 2015 йил 30 апрелдаги 107-сон-ли қарори билан тасдиқлан-ган "Корхоналарни шаҳарни ташкил этувчи корхоналар ва уларга тенглаштирилган кор-хоналар жумласига киритиш тартиби тўғрисида"ги Низомга риоя қилишлари лозим.

53. Қонуннинг 194-мод-дасига мувофиқ, агар Қонун 14-бобининг махсус норма-лариди жисмоний шахснинг тўловга қобилиятсизлигини тартибга солувчи бошқача қо-идалар назарда тутилмаган бўлса, жисмоний шахснинг тўловга қобилиятсизлиги би-лан боғлиқ муносабатларга нисбатан Қонун 1, 2, 3, 5, 6 ва 7-бобларининг тегишли уму-ий қоидалари қўлланилади.

Қонуннинг 227-моддасига мувофиқ, агар Қонун 15-бо-бининг махсус нормаларида якка тартибдаги тадбиркор-нинг тўловга қобилиятсиз-лигини тартибга солувчи бо-шқача қоидалар назарда тутилмаган бўлса, якка тар-тибдаги тадбиркорнинг тўлов-га қобилиятсизлиги билан боғлиқ муносабатларга Қо-нуннинг 1, 2, 4 ва 5-боблари-да назарда тутилган умумий характерга эга қоидалар қўл-ланилади.

Қонуннинг 15-боби қоида-лари, шунингдек, якка тар-тибдаги тадбиркор мақомини йўқотган жисмоний шахслар-нинг аввалги тадбиркорлик фаолиятидан келиб чиққан мажбуриятлари бўйича юзага келган тўловга қобилиятсиз-лиги муносабатларига нисба-тан ҳам қўлланилади.

Таъкидлаш жоизки, жисмо-ний шахснинг, шу жумладан, якка тартибдаги тадбиркор-

нинг тўловга қобилиятсизлиги тўғрисидаги иш Қонуннинг 195 ва 228-моддаларида назарда тутилган аломатлар мавжуд бўлган тақдирдагина суд то-монидан кўзғатилиши мумкин.

Жисмоний шахснинг тўлов-га қобилиятсизлиги тўғриси-даги ишни кўриб чиқишда Қо-нун 30-моддасининг иккинчи қисмида, якка тартибдаги тад-биркорнинг тўловга қобили-ятсизлиги тўғрисидаги ишни кўриб чиқишда эса, ушбу модданинг учинчи қисмида назарда тутилган тартиб-тао-миллар қўлланилади.

Қонуннинг 219 ва 230-мод-даларига мувофиқ, қарздор жисмоний шахснинг, шу жум-ладан, қарздор якка тар-тибдаги тадбиркорнинг “Суд хужжатлари ва бошқа ор-ганлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида”ги Ўзбекис-тон Республикаси Қонуни-нинг 52-моддасига мувофиқ ундирув қаратилиши мумкин бўлмаган мол-мулки тугатиш массасига киритилмайди.

Жисмоний шахслар ва якка тартибдаги тадбиркорлар-нинг тўловга қобилиятсиз-лиги тўғрисидаги ишларни кўришда судлар кредиторлар-нинг мулкий манфаатлари ва қарздорнинг конституциявий, шу жумладан, шахсий ҳуқуқлари ўртасидаги адолат-ли мувозанатни таъминлаш зарурлигини инобатга оли-шлари лозим.

54. Судларнинг эътибори шунга қаратилсинки, қарз-дорни тўловга қобилиятсиз-лиқнинг соддалаштирилган таомили бўйича банкрот деб топиш (тугатилаётган ёки ҳо-зир бўлмаган қарздор) ҳақи-да аризани қабул қилишга кредиторлик қарзларининг микдори аҳамиятга эга эмас.

Қонун 238-моддасининг мазмунидан келиб чиқиб, ту-гатилаётган қарздор юридик шахсни банкрот деб топиш ҳақидаги ариза билан судга муурожаат қилинганда, ушбу модданинг матнида тўғри-дан-тўғри бу ҳақда кўрсатилмаган бўлса ҳам, аризага қарздорни тугатиш тўғриси-даги қарор илова қилиниши лозим.

Агар аризага қарздорни ту-гатиш тўғрисидаги қарор ило-ва қилинмаган бўлса, бундай ариза суд томонидан қабул қилинади, қарздорни тугатиш

тўғрисидаги қарор эса, тўлов-га қобилиятсизлик тўғриси-даги ишни суд муҳокамасига тайёрлаш тартибида талаб қилиб олинади.

Ўз фаолиятини тугатган қарздор якка тартибдаги тад-биркор ёки тугатилаётган юридик шахснинг раҳбари ҳозир бўлмаган ва уларнинг жойлашган ерини (яшаш жойини) аниқлашнинг имко-ни бўлмаган тақдирда, ҳозир бўлмаган қарздорни тўловга қобилиятсиз деб топиш тўғри-сидаги ариза билан кредитор, ваколатли давлат органи, давлат солиқ хизмати органи ёки бошқа ваколатли орган судга муурожаат қилиши мум-кин (Қонуннинг 241-моддаси).

Ҳозир бўлмаган қарздорни банкрот деб топиш тўғрисида ариза берилганда, қарздор – ўз фаолиятини тугатган якка тартибдаги тадбиркор ёки тугатилаётган юридик шахс раҳбарининг ҳозир бўлмаган-лигини, шунингдек, уларнинг турар жойини аниқлашнинг имконияти йўқлигини тас-диқловчи далиллар судга тақдим этилиши керак. Бун-дай далиллар манзил маъ-лумот бюроси томонидан шахснинг рўйхатдан чиқиб, бошқа ҳудудга кетганлиги ҳақида берилган маълумот-нома, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи, уй-жой мулкдорларининг ширкати вакиллари иштирокида шахс-нинг рўйхатга олинган ман-зилда яшамаслиги тўғрисида тузилган далолатнома бўли-ши мумкин.

Нафақат қарздор раҳбари-нинг йўқлиги, балки ҳўжалик юритувчи субъект мол-мул-кининг йўқлигини ҳам ҳозир бўлмаган қарздор сифати-да тушуниш лозим. Бу ҳолат қарздор – юридик шахс турган жойи (почта манзили) бўйи-ча фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи, уй-жой мулкдорларининг ширкати, турар жой ёки нотурар жой-нинг мулкдори вакиллари ва (ёки) суд бошқарувчиси ишти-рокида тузилган далолатнома ёхуд қарздорнинг мол-мул-ки мавжуд эмаслиги сабаб-

ли ижро ҳужжатини ижросиз қайтариш тўғрисидаги давлат ижросисининг қарори билан тасдиқланиши мумкин.

Тугатилаётган юридик шах-сни банкрот деб топиш ҳақи-да ариза тақдим этилганда тугатиш бошқарувчисининг номзоди аризачи томонидан кўрсатилади.

Ҳозир бўлмаган қарздор-нинг тўловга қобилиятсизлиги тўғрисидаги иш кўриб чиқила-ётганда тугатиш бошқарувчи-лигига номзодни ваколатли давлат органи суднинг ҳал қилув қарори олинган кундан эътиборан бир ҳафталик муд-дат ичида тақдим этади.

Тугатиш бошқарувчиси ҳозир бўлмаган қарздор-нинг мол-мулкини аниқла-ган тақдирда, тугатиш бошқарувчисининг илтимос-номасига кўра, суд тўловга қобилиятсизлиқнинг содда-лаштирилган тартиб-таоми-лини тугатиш ва Қонунда назарда тутилган тўловга қобилиятсизлиқнинг умумий тартиб-таомилига ўтиш тўғрисида ажрим чиқариши мумкин (Қонун 242-моддаси-нинг бешинчи қисми).

Ҳозир бўлмаган қарздор-нинг мол-мулки деганда, унинг тасарруфидида бего-налаштирилиши мумкин бўл-ган барча моддий ва номод-дий фуқаролик ҳуқуқлари объектлари (шу жумладан, қимматли қоғозлар, ер, деби-торлик қарзлари) тушунили-ши лозим. Дебиторлик қарзи мавжудлигининг аниқланган-лиги соддалаштирилган тар-тиб-таомилни тугатиш ва тў-ловга қобилиятсизлиқнинг умумий тартиб-таомилларида ўтиш учун асос бўлмайди.

55. Тўловга қобилиятсиз-лик тўғрисидаги ишларни ўз вақтида ва тўғри ҳал этили-шини таъминлаш мақсадида вилоят ва унга тенглашти-рилган судлар, Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Иқтисодий ишлар бўйича суд-лов ҳайъатига ушбу тоифада-ги ишларни кўриш юзасидан суд амалиётини мунтазам ра-вишда умумлаштириб бориш тавсия этилсин.

Моҳият

Ижро механизмини такомиллаштириш қонун устуворлигини янада қатъий таъминлашга хизмат қилади



◄(Бошланиши 1-бетда)

Шуни ҳам қайд этиш жоизки, “Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар хуж-жатларини ижро этиш тўғрисида”ги қонун талабларига кўра, ижро иши-ни юритиш тўхтатилганда, қарздорга нисбатан қўлланилган чекловлар ва тақиқлар ҳам уни тўхтатиш учун асос бўлган ҳолатлар бартараф қилинунга қадар сақланиб қолади.

Лекин қарздорда тўлаш имконияти мавжуд бўлади. Шундай бўлса-да, суд қарори юзасидан судлашмоқчи бўлган-да, унга нисбатан қонун доирасида қўлланилган чекловлар фаолиятини давом эттиришга тўсқинлик қиладиган вазият юзага келади.

Ижро иши юритувини тўхтатиш жа-раёнида чекловларни бекор қилиш учун эса, ҳуқуқий асослар мавжуд эмас. Шу сабабли фойдасига суд қар-ори қабул қилинган шахсларнинг қонуний манфаатларини ҳамда суд қарорларининг сўзсиз ижросини таъ-

минлаш мақсадида, суд ҳужжатла-ри ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш жараёнига “Кафолат маб-лағини киритиш” институтини жорий этиш зарурияти юзага келмоқда.

Олий Мажлис Сенатининг сакки-зинчи ялпи мажлисида маъқулла-ган “Ижро иши бўйича кафолат маблагларини киритиш институти жорий этилиши муносабати бил-ан “Суд ҳужжатлари ва бошқа ор-ганлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Респу-бликаси қонунига қўшимча ва ўзгар-тиришлар киритиш ҳақида”ги қонун айни масалаларнинг ҳуқуқий ечими бўла олади.

Мазкур янги қонун билан “Суд хуж-жатлари ва бошқа органлар ҳужжат-ларини ижро этиш тўғрисида”ги қонун-га бир қатор қўшимча ва ўзгартишлар киритилмоқда. Хусусан, қарздорга бошқа ҳуқуқлардан ташқари ижро иши бўйича кафолат маблагларини кири-тиш ҳуқуқи берилмоқда.

Шунингдек, ушбу қонун ижро иши бўйича кафолат маблагларини кири-тишга оид 331-модда билан тўлди-рилмоқда. Бунда ижро иши бўйича кафолат маблагларини киритиш қарз-дор томонидан унга нисбатан мулкий тусдаги суд ҳужжати бўйича мажбури-ятларнинг бажарилишини мажбурий ижро органининг депозит ҳисобва-рағига ушбу мажбуриятларнинг тўлиқ микдорида ёки бажарилмаган қисми

микдорида пул ўтказиш йўли билан таъминлашдан иборатдир.

Шунингдек, ижро иши бўйича кафо-лат маблагларини киритиш ижро иши юритишни тўхтатиб туриш, қарздорга ва унинг мол-мулкига нисбатан белги-ланган чекловларни бекор қилиш учун асос бўлиши назарда тутилмоқда.

Бундан ташқари ижро иши бўйича кафолат маблагларини киритиш:

– ижро ҳужжатини бериш учун асос бўлган суд ҳужжати устидан берилган шикоят ёки келтирилган протест суд томонидан қабул қилинганда;

– давлат ижрочисининг ҳаракати (қарори) устидан шикоят берилганда қўлланилиши белгиланмоқда.

Мажбурий ижро органининг депозит ҳисобварағига ўтказилган ижро иши бўйича кафолат маблаглари ижро ишини юритишни тўхтатиб туриш учун ушбу қонунда белгиланган муддат давомида сақланиши назарда тутил-моқда.

Ижро иши бўйича кафолат маб-лаглари, биринчидан, ижро ҳужжати-ни бериш учун асос бўлган суд ҳужжа-ти бекор бўлганда; иккинчидан, ижро ҳужжати амалда ижро этилганда қарз-дорга уч кунлик муддатда қайтарили-ши кўзда тутилмоқда.

Қонун талабига кўра, киритилган ижро иши бўйича кафолат маблагла-ри давлат ижрочисининг ҳаракати қо-нунга хилоф деб топилган ёки қарори бекор бўлган кундан эътиборан, яна


ийгирма кун мобайнида мажбурий ижро органининг депозит ҳисобва-рағида сақланади. Агар ушбу муддат давомида ижро ҳужжатини бериш учун асос бўлган суд ҳужжати устидан шикоят берилмаса ёки протест келти-рилмаса, ижро иши бўйича кафолат маблагларига қонунга киритилаётган 33-модданинг олтинчи қисмида белги-ланган тартибда ундирув қаратилади.

Башарти, ушбу муддат давоми-да ижро ҳужжати бериш учун асос бўлган суд ҳужжати устидан шико-ят берилса ёки протест келтирилса, ижро иши бўйича кафолат маблагла-ри ижро ишини юритишни тўхтатиб туриш учун ушбу қонунда белгилан-ган муддат давомида сақланиши мус-таҳкамланмоқда.

Мазкур янги қонунни ишлаб чиқишда бир қатор илғор хориж дав-латлари, шу жумладан, Россия, Бела-рус каби давлатларнинг қонунчилик тажрибаси ўрганилган ҳамда инобатга олинган.

Мухтасар айтганда, ушбу қонуннинг қабул қилиниши — суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ўз вақтида, сўзсиз ижро этиш механиз-мини мустаҳкамлайди. Суд қарорлари ижросини таъминлашда давлат ор-ганлари, ташкилотлар ва мансабдор шахсларнинг масъулиятини оширади. Янада муҳими, мамлакатимизда суд қарорлари ижросини таъминлаш тизи-мини такомиллаштириш, фуқаролар ва тадбиркорларнинг қонуний манфа-атларини ишончли ҳимоя қилиш, қо-нун устуворлигини таъминлаш ва уни мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Абдулҳаким ЭШМУРОДОВ,
*Олий Мажлис Сенати
Суд-ҳуқуқ масалалари ва
коррупцияга қарши курашиш
қўмитаси раиси*



СУД ОЧЕРКИ

Аслини олганда, бу ҳаётда мурасоа мадора, ақл-идрок, қимбоев фэъллик билан ҳар қан-дай низо ва келишмовчиликни ҳал этиш мумкин. Аммо баъзан узокни кўра билмай иш тутиш, жиззакилик ва жоҳилликка бе-рилиш қутилмаган фожиага са-баб бўлади.

Яқинда судда инсоннинг Конституция билан кўриқлана-диган яшашга бўлган ҳуқуқига тажовуз қилиб, жавобгарликни огирлаштирадиган ҳолатларда бир гуруҳ бўлиб, ўта шафқат-сизлик билан икки шахснинг умрига зомин бўлган Боликул Арзikuлов (исм-шарифлар ўз-гартирилди) ва Элбек Ҳаким-боевга нисбатан қўзғатилган жиноят иши кўриб чиқилди.

Суд Б.Арзikuлов ва Э.Ҳа-кимбоевни Жиноят кодекси-нинг 97-моддаси 2-қисми “а, ж, п” бандлари ва 173-моддаси 2-қисми “в ” банди билан айб-

дор деб топди. Судланувчи Б.Арзikuлов — йигирма, Э.Ҳа-кимбоев ўн тўққиз йил муддатга озодликдан маҳрум қилинди.

Хўш, аслида, улар томонидан қандай жиноят содир этилган-ди? Бу жиноий қилмишнинг рўй беришига нима сабаб бўлганди?

Бу саволларга жавобан шуни айтиш керакки, ушбу фожианинг келиб чиқишига, аввало, халқи-мизга хос қадрият — кўни-қўш-ничилик одоби, ўзаро аҳил-инокликка беписанд қараш сабаб бўлган. Чунки жабрланув-чи билан судланувчилар узок йиллар давомида девор-дарми-ён қўшни яшаб келишган.

Айтиш керакки, улар яшай-диган ҳудудда, одатда, қора-моллар далага ҳайдаб боқи-лади. 2024 йилнинг 2 май куни Нурали Маҳкамовнинг икки бош ҳўкми нимагадир даладан уйга қайтмайди.

(Давоми 6-бетда) ►

◀ (Бошланиши 1-бетда)

— Мени ким деб ўйлаяпсан?
Тушга яқин лагер бошлиғи зонага кирди. У баракларни айланиб чиққандан кейин орқасидан, бошлиқ нима қиларкин деб, эргашиб юрган маҳбусларга деди:

— Бўлди энди. Эртадан ишга чиқинглар.

Норкобил унга эътироз билдирди:

— Пока старшина жазоланмас экан, работат не будем.

Лагер бошлиғи полковник Самсонов бирон тайинли гап айтишга ожиз эди.

— Келинглар, очикчасига гаплашайлик. Демьянов масаласида ҳарбий прокурорга мурожаат қилдик. У старшина қонун доирасида иш тутган. Уставни бузмаган, жазолаб бўлмайдми, деб жавоб қилди. Ундан кейин ҳарбий трибунал билан гаплашдик. Унинг фикри бошқача. Жазолаш керак. Одамлар ҳалок бўлишини кутиб ўтирмай, штабга ёнгин тўғрисида зудлик билан хабар қилиши керак эди, деб жавоб қилди. У албатта, суд қилинади, деган фикрни айтди. Хотиржам бўлинглар, биз ҳам қараб турганимиз йўқ. Шуни яхши билингларки, Давлат хавфсизлиги комитети билан Ички ишлар вазирлиғи ҳеч қачон маҳбуслар фикрини тан олмайди. Ишга чиқшидан бошқа илолларнинг йўқ.

— Барак эшиклари қачон очилади, — деб сўрашди ундан.

— Кутяпмиз. Юқоридан алоҳида рухсат келиши керак. Кутяпмиз.

Полковник чиқиб кетгандан кейин Норкобил бошчилигида гулхан атрофида маслаҳат



● *Тарих тиласимлари*

Тақдир, тақдир, мунча ШАФҚАТСИЗСАН?

«мажлиси» бўлди. Тўртинчи баракдан Дорфман деган юристни қақриб келишди. У эркинликда Ленинград адвокатурасида ишлаган, кўп чигал суд жараёнларида ютиб чиққан обрўли адвокатлардан эди.

— Агар хафа бўлмасанглар, гапнинг очигини айтаман. Ҳозирги уринишларингиз ҳеч қандай натижа бермайди. Маҳбуснинг вазифаси — итоат қилиш. Бирон нимани даъво қилишга мутлақо ҳаққи йўқ. Чунки у гражданик ҳуқуқидаи махрум қилинган. Даъволарингизнинг биронтаси инобатга олинмайди. Вазифангиз — фақат ва фақат бўйсунуш.

— Нима, биз қул чо ли? — деди норози бўлиб Норкобил.

— Ундан ҳам баттар, — деди Дорфман. — Бу қилаётган ишимиз яхшилик билан тугаса-ку, майли-я, оқибати ёмон бўлиши, беш-олти кишининг жазо муддатини ошириб қўйишлари ҳам мумкин. Ана унда ёмон бўлади.

Дорфман тўғри айтётган эди. Лагерда юз йилдан ортиқ муддатга кесилганлардан анчагина бор эди. Лагер ички интизомини бузган ё бирон жи-

ноят қилиб, ўн-ўн беш йиллаб муддатини ўтаганларига қарамай, яна йигирма беш йилдан жазо муддати олганлар бор эди. Жук деган маҳбус йигирма еттинчи йилдан буён муддат устига муддат ўтаб келади. Ҳозир унинг жазо муддати бир юз ўн тўрт йилга етган.

Дорфман тажрибали одам. Қонун-қоидаларни билади. Унинг гаплари тўғри эди. Маслаҳат билан эртадан ишга чиқишга қарор қилинди. Эрта-лаб вахтада ўн етти кишини тўхтатиб қолдилар. Ўн етти кишининг ҳаммаси тройка қарори билан ҳар хил муддатга кесилганлар эди. Бошлиқ ўринбосари ҳаммамизни тўплаб, «тройка» қарори билан кесилганларга енгиллик бсрилганини, улар махсус рухсатнома билан ташқарида соқчисига ҳамма бориб келишлари мумкинлигини айтди. Ана шу жазо муддати енгиллатилганлар орасида мен ҳам бор эдим. Расулов мени гарнизон клубини безатиш учун ўзи билан олиб кетди.

— Қиш оғир келяпти. Шахтага борсангиз, совуқда қийна-либ қоласиз. Энди иссиққина клубда солдатлар шавласи-

дан еб, суврат чизаверасиз. Узоқ ишланадиган суврат танланг. Баҳорга етиб олгунча ишланадиган суврат бўлсин. У олдимга бир даста «Огонёк» журналин ташлади. Журналдаги рангли сувратларни кўриб, «Сталинград панорамаси»ни танладим. Унда юздан ортиқ одам суврати бор эди.

— Бу иш энди сизга муддатингизни ўтаб бўлгунингизча етади, — деди Расулов.

Ишга жуда берилиб кетган эдим. Орқамда кимдир турганини сезиб, ўгирилиб қарадим. У болалик ўртоғим, биринчи синфдан то тўққизинчи синфгача бирга ўқиган, жуда ҳам қадрдон дўстим, маҳалладошим Ҳамид Азизов эди. У ўнинчини тутатгандан кейин Тошкент медицина институтига ўқишга кирган, институтни битирмай фронтга юборилган, қайтиб келгандан кейин яна ўқишини давом эттирган эди.

Уни кўрмаганимга кўп йиллар бўлган. Орадан шунча вақт ўтиб, энди, жуда нуқулай вазиятда кўришиб турибмиз. У медицина хизмати майори, кўкси орден, медаллар планкаси билан тўла эди.

Бир-биримизга сўзсиз қараб турибмиз. Кўз олдимда унинг ранги оқара бошлади. Охири юзидан қон қочиб бўзга айланди. Нима бўлди, тоби қочди-ми... Йўқ, у ҳозир тирик «халқ душмани»ни кўриб, кўрқиб кетган эди.

Тўғриси, ундан ҳазар қилаётган эди.

— Ия, ия, — деди у лаблари титраб. Бироз туриб яна, ия, ия, деди. — Мен ҳозир... ҳозир...

У шундай орқасига ўгирилдию ёв қувлагандек шитоб билан ташқарига чиқиб кетди. Шу кетганича қайтиб келмади.

Қиш оёқлаб, баҳор қадами эшитила бошлаган, тепалик жойларда қор эриб, занглаган ерда мис қукунлари худди яшил бахмал ёпингандек кўри-на бошлаганди. «Сталинград панорамаси» яримлаб қолган.

Расулов мункайган рус кампирини эргаштириб келди.

— Бу опа марҳум сержант Гаврюшевнинг хотини. Эслайсизми уни?

Гаврюшев лагер қошидаги ўт ўчириш командасининг бошлиғи, ёнғинга қарши оғохлан-тирувчи плакатларга буюртма берарди. «Чекилмасин!» Рухсат этилмаган жойда чекиш мана бундоқ оқибатларга олиб келиди», деган сувратлар ишлаб берардим. Уни дурадгорлик комбинати, шахталар, бензин складлари деворларига михлаб қўярди. Бу плакатлар учун у дурустгина ҳақ олар, бир қисмини менга ташлаб кетарди. Гаврюшев ўтган йили қазо қилган эди.

— Битта илтимос билан кепти. Йўқ, деманг.

(Давоми кейинги сонда)

◀ (Бошланиши 5-бетда)

Аммо Н.Маҳкамовнинг болалари ҳар қанча қидирмасин, ҳўкизлар топилмайдми. Қўни-қўшнилардан, жумладан, Б.Арзикуловнинг оиласидан ҳам сўраб-суриштиришди, лекин ҳеч қаердан ҳўкизларнинг дарағи чиқмайдми.

Фақат орадан уч кун ўтиб, маълум бўладики, йўқолган ҳўкизларнинг бири қўшниси Б.Арзикуловнинг оғилхонасида қамаб қўйилган экан. Буни эшитиб, Н.Маҳкамовнинг хотини Мастура ўғли Баҳромни эргаштириб, қўшнисининг ҳовлисига қиради. Аммо Б.Арзикуловнинг хотини Гулсара қизи Нафосат билан Мастурани ваҳоҳати бўзилган ҳолда қарши олади. Бу ҳам етмагандек, қутилмаганда, унга чанг солиб, жанжаллашиб кетади. Икки ўртада қолган Баҳром эса уларни ажратишга уринади. Лекин Гулсара сира ҳахлдан тушадиганга ўхшамасди.

Гулсара қизи билан бирга онасини аёвсиз қулиб-қудалаётганига чидаёлмаган Баҳром қўлидаги қалтак билан қўшни аёлнинг бошига уради. Унинг кучли зарбидан аёл бошини чангаллаганича ерга ўтириб қолади. Шундан сўнг Мастура ўғли билан ҳўкизини етаклаб, ҳовлидан чиқиб, кетади. Гулсара Арзикулова эса, жароҳат олгани боис шифохонага ётқизилади.

Айни шу ноҳуш воқеадан сўнг Болиқул Арзикулов ва унинг ўғли Элбекнинг кўнглида қўшниларга нисбатан тийиксиз адоват пайдо бўлади. Энг ёмони, ота-ўғил қўшниларидан ўч олиш мақсадида жиноий режа тузишади.

Ота-ўғил ана шундай ғараз ниятда пайт пойлаб юрганда, Б.Арзикулов қўшниси автомашинада қишлоққа кириб келаётганини кўриб қолади ва дарров ўғлига хабар беради. Ўша кун соат ўн уч-у ўттизларда Н. Маҳкамов бошида қора қўюн айланаётганидан мутлақо беҳабар "LASETTI" русумли автомашинада турмуш ўртоғи билан Зомин шахридан уйига қайтиб келаётганди. Ғазабкор ота-бола эса, унинг уйи олдида ўтган автомобиль йўлида темир бўлаклари билан қуролланиб, кутиб туришади.

Қисқаси, ўша кун кўзлари қонга тўлган Б.Арзикулов йўлнинг ўртасида туриб олган Н.Маҳкамовдан автомашинани тўхтатишни талаб қилади. Аммо у бунга ҳам сабри етмай қўлидаги темир бўлағи билан тезлиги пасаёган автомашинанинг олдинги ойнасига бир неча марта уради. Автомашини ойнаси чил-чил синади.

Шундан сўнг қутуриб кетган Б.Арзикулов Н.Маҳкамовни автомашинадан куч билан судраб, пастга туширади-да, қўлидаги темир бўлағи билан уни уришга тушади. Бу зарбалар оқибатида Н.Маҳкамовнинг боши, елкаси, кўкрак қафасига

оғир жароҳат етади.

Энг афсусланарлиси, кейинчалик шифокорлар қанчалик ҳаракат қилишмасин, барибир Н.Маҳкамовнинг ҳаётини сақлаб қолиш имкони бўлмайдми...

Б.Арзикулов Н.Маҳкамовни аёвсиз ураётган пайтда автомашинанинг орқа ўриндиғида ўтирган Мастура Маҳкамова азбаройи кўриб кетганидан "дод-вой" кўтарганча одамларни ёрдамга қақаришга тушади. Аммо Б.Арзикуловнинг ўғли қўлидаги темир билан унинг бошига бир неча марта қаттиқ уради. Мастура бу зарбанинг таъсирида ҳодиса жойидаёқ дунёдан кўз юмади.

Буткул қутуриб кетган ота-ўғилнинг ға-



заби бу қабиҳликдан сўнг ҳам босилмайди, аксинча, улар жиноий фаолиятини давом эттириб, автомашинага ўт қўйиб юборишади...

Албатта, бу қабиҳ жиноий қилмишнинг содир этган ота ва ўғил қонун олдида жавоб берди.

Айтиш керакки, шу йилнинг 17 февралда Жиззах вилояти суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати апелляция инстанциясининг очик суд мажлисида ушбу жиноят иши кўриб чиқилди, натижада биринчи босқич судининг ҳукми ўзгаришсиз, апелляция шикоятчи қаноатлантирилмасдан қолдирилди.

Яқинда эса, вилоят суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати тафтиш инстанциясининг очик суд мажлисида судланувчи Э.Ҳакимбоевнинг адвокати томонидан келтирилган тафтиш тартибидagi шикоят ҳам кўриб чиқилди.

Мамлакатимизда Конституция ва қо-

нунларда қатъий белгилаб қўйилганидек, айбсиз одам ҳеч қачон жавобгарликка тортилмайди. Жиноят кодексининг 42-моддасида жазо жиноят содир этишда айбли деб топилган шахсга нисбатан давлат номидан суд ҳукми билан қўлла-ниладиган ва маҳкуми қонунда назарда тутилган муайян ҳуқуқ ва эркинликлардан маҳрум қилиш ёки уларни чеклашдан иборат мажбурулор чораси эканлиги белгилаб қўйилган.

Судлов ҳайъати адвокатнинг ўз ҳимоясидаги Э.Ҳакимбоев Н.Маҳкамов ва М. Маҳкамовани қасддан ўлдирмаганлиги ҳақидаги тафтиш шикоятда келтирган важларни асоссиз, деган тўхтамга келди

ва рад қилишни лозим топди.

Нега деганда, айнан Э.Ҳакимбоев жиноий шериги — отаси Б.Арзикуловнинг топшириғига асосан, М.Маҳкамовнинг бошига темир бўлағи билан бир неча марта уриб, оғир тан жароҳатлари етказган.

Бу ҳам етмагандек, у отаси билан бирга Н.Маҳкамовга тегишли автомашинага ўт қўйган.

Кези келганда шуни ҳам айтиш жоизки, судлов ҳайъати судланган Б.Арзикулов ва Э.Ҳакимбоевларнинг жиноят содир этил-гунга қадар бўлган феъл-атвори, ўзаро муносабатлари, шунингдек, уларнинг жиноят содир этилгандан кейинги ҳаракат-ларига ҳам эътибор қаратди.

Хусусан, жабрланувчининг қонуний вакили С.Маҳкамовнинг кўрсатмасига қараганда, Б.Арзикулов ва уларнинг оиласи ўртасида олдиндан ўзаро қелишмовчилик бўлган. Элбек Ҳакимбоев юқорида баён этилган оғир жиноят юз беришидан икки

кун олдин қўлида темир бўлағини кўта-риб, тоғалари Ҳасан ва Ҳусан Муродовлар билан бирга жабрланувчининг акаси Баҳромни излаб, уларнинг уйига келган, ваҳоҳати бузилиб, ўлдириш билан таҳдид қилган.

Бундан ташқари 7 ва 8-май кунлари ҳам Элбек тоғаси Ҳ.Муродов билан бирга Баҳромни излаб, далага борган, аммо тополмаган. Шунингдек, жабрланувчи Б.Маҳкамов воқеа жойига келганида ота-онаси ёқиб юборилган автомашина яқинида ётгани, судланувчилар уларга ёрдам кўрсатиш ўрнига ҳовлисига ўтиришганини кўрган.

Бундан кўриниб турибдики, Б.Арзикулов ва Э.Ҳакимбоевларнинг кўнглида марҳум Н.Маҳкамов ва М.Маҳкамоваларга нисбатан олдиндан адоват бўлган ва уларни ўлдириш мақсадида жиноий режа тузишган. Натижада бир гуруҳ бўлиб, ушбу жиноий қилмишнинг содир этишган.

Қисқаси, тафтиш инстанцияси суди жиноят ишини батафсил ўрганиб чиқиб, шундай ҳулосага келди: мазкур жиноят иши бўйича тергов ҳаракатлари тўлиқ олиб борилган, биринчи ва апелляция инстанция судлари томонидан Жиноят-процессуал кодексининг 439- 448-моддаларига ҳамда Олий суд Пленумининг 2004 йил 24 сентябрдаги "Қасддан одам ўлдиришга оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида"ги 13-сонли қарори талабларига риоя қилинган. Жиноят-процессуал кодексининг 22-моддасига кўра, иш бўйича исботла-ниши лозим барча ҳолатлар синчковлик билан, ҳар томонлама, тўлиқ ва ҳолисона текшириб чиқилган. Ҳукмида баён қилинган суднинг ҳулосалари ишнинг ҳақиқий ҳолатларига тўла мос бўлиб, суд ҳукми Жиноят-процессуал кодексининг 26, 455-моддалари талабларига асосланган ҳолда чиқарилган.

Юқорида қайд қилинган асосларга кўра, судлов ҳайъати тафтиш шикоятда келтирилган важлар суд ҳукми ва ажрими-ни ўзгартириш ва бекор қилиш учун асос бўла олмайди, деб ҳисоблаб, ушбу важ-ларни рад қилишни лозим топди.


Дарвоқе, инсон ҳаётига тажовуз қилиш — ўта оғир жиноят. Бундай қилмиш муқад-дас ислом динида ҳам энг оғир гуноҳ саналган. Ота-бола асло кечириб бўлмас ана шу қотиллик жинояти учун суд ҳукми билан Жиноят қонунчилигимизда назарда тутилган узоқ йиллик озодликдан маҳрум қилиш жазосига ҳукм қилинди.

НИЗОМИДДИН ЭРНАЗАРОВ,
Жиззах вилояти суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати судьяси
Абдуҳамид ХУДОЙБЕРДИЕВ,
"Куч — адолатда" муҳбири

Ҳақиқат эғилади, букилади, аммо синмайди. Бу ҳикматнинг нечоғли топиб айтилганига Фаргона вилоят божхона бошқармасининг "Андархон" божхона пости инспектори вазифасида хизмат қилган Шавкатжон Қудратов ўз бошидан машаққатли синовларни ўтказгач, яна бир карра амин бўлди.

● *Оқлов*

НОҲАҚЛИККА учраган инспектор 15 йилдан сўнг оқланиб, ўз ишига тикланди



Ш.Қудратов 1999 йилда Ўзбекистон Республикаси давлат божхона кўмитасининг тегишли буйруғи билан инспектор вазифасига ишга қабул қилинган, 10 йил давомида сидқидилдан хизмат қилади. Аммо 2009 йил апрель ойида қутилмаганда унинг бо-шига жиддий ташвиш тушади. Аниқроғи, 2009 йил 20 апрель куни Жиноят кодексининг 182-моддаси 2-қисми "г" бандида назарда тутилган жиноятни содир этганликда гумонланиб, қамоққа олинади.

Шунингдек, Давлат божхона кўмитасининг 2009 йил 26 апрелдаги 60 ш/т-сонли буйруғи билан лавозимидан озод этилиб, қўролли кучлар захирасига бўшатилади. Ушбу буйруққа Фаргона вилоят божхона бошқармасининг 2009 йил 20 апрелдаги ҳулосаси асос қилиб олинган.

Бундан ташқари Ш.Қудратов жиноят ишлари бўйича Фаргона вилоят судининг 2009 йил 24 августдаги ҳукмига биноан, Жиноят кодексининг 182-моддаси 2-қисми "а, в, г" бандлари, 210-моддаси 3-қисми "в" банди билан айбдор деб топилиб, 2 йил муддатга божхона органларида ишлаш ҳуқуқидан ҳамда 10 йилу 3 ой муддатга озодликдан маҳрум этилади. Суднинг 2009 йил 14 октябрдаги кассация ажрими билан ҳукм ўзгаришсиз қолдирилади.

Шундан сўнг Ш.Қудратов 5 йилдан кўпроқ вақт мобайнида жазо муддатини ўтаб, 2014 йил 5 декабрда озодликка чиқади. Аммо унинг кўнглига чироқ ёқса, ёришмас, ҳаётида рўй берган бу ноҳақлик уни қаттиқ қийнади.

Қисқаси, орадан йиллар ўтиб, Президенти-миз Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан мамлакатимиз суд-ҳуқуқ тизимида кенг қўла-ли ислохотлар амал-и оширила бошлагач, Ш.Қудратовнинг кўнгли-да ҳам адолатни қарор топишига ишонч пайдо бўлди. Шу боис у ўзи-нинг айбсизлиги, ўша пайтда турли хил тазйиқ ва босим остида ишдан бўшатилиб, жиноий жа-вобгарликка тортилганини таъкидлаган ҳолда, Ўзбекистон Республикаси Олий судига мурожа-ат қилди.

Албатта, Олий суд томонидан Ш.Қудратовга оид жиноят иши қонун доирасида батафсил ўрганиб чиқилди ва унинг айбсизлиги ўз исботи-ни топди: Олий суднинг

жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати тафтиш инстанцияси томонидан 2024 йил 21 октябрда чиқарилган ажримга му-вофиқ, жиноят ишлари бўйича Фаргона вилоят-ти судининг 2009 йил 24 августдаги ҳукми ҳамда 2009 йил 14 октябрдаги кассация ажрими бекор қилиниб, у оқланади.

Тафтиш инстанцияси ажримда оқланган инспекторга ўзига етказил-ган мулкий ва маънавий зиён оқибатларини бар-тафрак қилиш юзасидан Жиноят процессуал ко-дексининг 304-313-мод-далари тартибидида судга мурожаат қилиш ҳуқуқи тушунтирилди. Биноба-рин, Ш.Қудратов фуқа-ролик ишлари бўйича Қўқон туманлараро су-дига даъво аризаси ки-ритиб, Фаргона вилоят божхона бошқармаси-нинг 2009 йил 20 апрел-даги ҳулосасини ҳақиқий эмас, деб топиш, Давлат божхона кўмитасининг 2009 йил 26 апрелдаги 60 ш/т-сонли буйруғини бекор қилган ҳолда, уни хизматга тиклаш ҳамда ўзига меҳнат дафтар-часининг берилиши ке-чиктирилган вақт учун пуллик компенсация ва маънавий зарарларни ундириб беришни сўра-ди. Суднинг 2025 йил 9 апрелдаги ҳал қилув қарори асосида даъво аризаси қаноатланти-рилди. Ш.Қудратовни Фаргона вилоят божхона бошқармасининг "Андар-хон" божхона пости ин-спектори ёки унга тенг-лаштирилган лавозимга ишга тиклаш, Фаргона вилоят молия бошқар-масининг марказлаш-ган жағфармасидан 70 миллион сўм миқдорида маънавий зарар, шунинг-дек, Давлат божхона кў-митасидан меҳнат даф-тарчасининг берилиши кечиктирилган вақт учун 10 миллион 488 минг сўм миқдорида компенсация ундириш белгиланди.

Бир сўз билан айтган-да, ноҳақликка учраган инспектор 15 йилдан сўнг оқланиб, ўз ишига тиклан-ди. Айни пайтда Ш.Қудра-тов "Андархон" божхона пости инспектори лаво-зимидида хизмат қилмоқда. Энг асосийси, унинг ҳам-касблари, қариндош-уруш-маҳалла-қўй ва таниш-билишлари олдида юзи ёруғ бўлди. Бу ҳам бўлса, "Янги Ўзбекистон — янги ислохотлар" тамойили-нинг амалий ифодаси-дир.

Қамбарали АБДУЛҲАЕВ,
Қўқон шаҳридаги "Адолат шамчироғи" адвокатлик фирмаси раҳбари

МУАССИС:

Ўзбекистон Республикаси Олий суди

Бош муҳаррир:

Шодикул ҲАМРОЕВ

Газета 2007 йил 23 февралда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0224-рақам билан рўйхатдан ўтган.



ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ

Бахтиёр ИСЛАМОВ
Икрам МУСЛИМОВ
Олимжон ИСМАИЛОВ
Шухрат ПОЛВАНОВ
Холмўмин ЁДГОРОВ
Зарифжон МИРЗАҚУЛОВ

Абдуҳалим ХОЛМАХМАТОВ
Жамшид САДИНОВ
Муродулло ҚОДИРОВ
Замира ЭСАНОВА
Азиз АБИДОВ
Бобомурод РАЙИМОВ

Сахифаловчи:

Шерзод
ХАЙРУЛЛАЕВ

Газета «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида офсет усулида босилди.
Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.
Манзиллари: 100097, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Чўпонота кўчаси, 6-уй, Тел.: 71 273-72-29 E-mail: kuch-adolatla@mail.ru
Нашр индекси: якка тартибда - 574, ташкилотлар учун - 575.
Буюртма: Г-715 Қоғоз бичими: А-2. Ҳажми: 3 босма табоқ.
Сотуведа эркин нархда. Адади: 3136
1 2 3 4 5 6 Топшириш вақти: 22⁰⁰. Топширилди: 23⁰⁵.